БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 129

8 АВГУСТ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Министрлар Советида (1-нчи бет). Областимизда (1-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУЧИЛАРИНИНГ III С'ЕЗДИ ОЛДИДАН. **Собир Абдулла.** — Мироб ялласи. **Назармат.** — Ҳисор водисида. **Қуддус Муҳаммадий.** — Пахтазорни оралаб. **Туроб Тўла.** — Сафарбар сатрлар (2-нчи бет).

Назир Сафаров.—Кўнгулчанлик балоси (2-нчи бет).

Механизатор кадрлар тайёрлашга аҳамият берилсин (3-нчи бет).

МАТБУОТ ОБЗОРИ. Комбинат газетасининг беозор танқидлари (3-нчи бет).

Агротехниканинг барча тадбирларини қўлланиб, август ойида мўл ҳосил тўпланишига эришайлик. Элбой Хайитбоев. — Звено принципини мустаҳкамлаб борамиз. **Я. Исматов.** — Ҳар туп ғўзада 10 — 12 тадан кўсак. **Ш. Кузанбоев.** — Раиси мақтанчоқ бўлган колхозда (3-нчи бет).

Совет ҳукуматининг баёноти тўғрисида ғарбий мамлакатларнинг матбуотида баён этилган фикрлар (4-нчи бет).

Гватемаладаги воқиаларга доир (4-нч. бет).

Франция миллат мажлисида (4-нчи бет).

Ҳиндистон темирйўлчилари касаба союз делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш манфаатларини кўзлаб

Жанва кенгаши ҳал этилмаган халқаро проблемалар юзасидан манфаатдор давлатлар ўртасида музокаралар олиб бориш ижобий натижаларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди. Кенгаш халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун реал имкониятлар борлигини кўрсатучи муҳим далил бўлди. Жанва кенгаши шундай бир йўл очиб бердики, манфаатдор давлатлар шу йўлдан борганларида ҳал этилмаган бошқа масалаларнинг ва биринчи навбатда Европада тинчликни ҳамда ҳавфсизликни та'минлаш тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинишига эришаоладилар.

Совет ҳукумати халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига амал қилиб, 24 июльда Франция, Англия ва АҚШ ҳукуматларига Европада коллектив ҳавфсизлик тўғрисида нота юборди. Совет Иттифоқи бу нотада Европада коллектив ҳавфсизлик тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун яқин ойлар ичида барча Европа давлатларининг, я'ни кенгашда қатнашишни истаган европали давлатларнинг, шунингдек АҚШнинг ва кузатучи сифатида Хитой Халқ Республикаси вакилининг кенгашини чақиришни таклиф этди.

4 августда Совет ҳукумати бу кенгаш тўғрисидаги масалани олдиндан муҳокама қилиш мақсадида Франция, Англия, АҚШ ва СССР ташқи ишлар министрларининг кенгашини чақириш тўғрисида таклиф киритди. Совет ҳукуматининг топширувига мувофиқ, СССРнинг Париждаги, Лондондаги ва Вашингтондаги элчилари томонидан берилган баёнот,да Совет Иттифоқи ҳукумати, 24 июльдаги совет нотасида таклиф этилган кенгашни чақириш ва унинг муваффақиятли ўтишига ёрдам беручи тадбирлар тўғрисидаги масалани Франция, Англия, АҚШ ва СССР ҳукуматларининг олдиндан биргаликда муҳокама қилиб олишларини фойдали бўлур эди, деб та'кидлади. Совет ҳукумати шу йилнинг таҳминан август-сентябрь ойларида тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг кенгашини ўтказишни таклиф этди, бунда Германия масаласини кўриб чиқишни давом эттириш ҳам кўзда тутилиши керак.

Совет ҳукумати бунда шу ҳолни ҳам ҳисобга оладики, дейилади сўнгра баёнотда, Германия проблемасининг асосий масалалари бўйича, хусусан Германиянинг бирлигини тиклаш ва Германия билан сулҳ шартномаси тузилиши масаласи бўйича шу вақтгача келишишга эришилмади, чунки бунинг учун шу вақтгача зарур шароитлар яратилмаган бўлса керак. Совет ҳукуматининг фикрича, бундай шароитда биринчи навбатда Германия проблемасининг айрим масалалари бўйича келишиб олиш учун янада зўр бериб ҳаракат қилиш керак. Германия проблемасининг бу айрим масалалари манфаатдор томонлар учун мақбул бўладиган равишда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳал қилиниши мумкин.

Совет ҳукумати ўзининг 24 июльдаги нотаси ва 4 августдаги баёноти билан Европанинг энг муҳим проблемаларини — Европанинг ҳавфсизлиги проблемасини ва Германия масаласини муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифни ўз вақтида киритди, албатта. Елғиз Европадагина эмас, балки бутун дун'ёда ҳам тинчлик ва ҳавфсизликни та'минлаш кўп жиҳатдан ана шу проблемаларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Буни Европа, Осиё ва Американинг барча мамлакатларидаги жуда кенг сиёсий доиралар яқдиллик билан э'тироф этмоқдалар.

Францияда чиқадиган «Монд» газетаси Европа проблемаларини айни ҳозирги вақтда, Жанва кенгашидан кейин, муҳокама қилиш ва ҳал этиш жуда зарур эканлигини та'кидлагани ҳолда, Совет ҳукуматининг 24 июльдаги нотасини шарҳлаб, бундай деб ёзди: «Шак-шубҳа йўқки, Жанва кенгаши эришилган натижадан ташқари, вазиятни ҳам тубдан ўзгартирди. Ҳеҳқандай натижа бермаган жуда кўп кенгашлардан кейин Жанва кенгаши музокаралар олиб боришнинг афзаллигига ишончни тиклади». Чехословакиянинг «Руде право» газетаси бундай деб кўрсатди: «Тинчликсевар кишилар, юзага келган вазиятдан Европада хавфсизлик тўғрисидаги масалаларни... ҳамда Германия масаласини ҳал этиш учун фойдаланмаслик мумкин эмас деб ҳисобламоқдалар».

Совет нотаси э'лон қилинганидан бери ўтган икки ҳафта ичида бу нотада ўртага қўйилган масалалар жаҳон матбуоти саҳифаларида бир кун ҳам тўхтамасдан муҳокама қилинмоқда. Совет ҳукуматининг кеча э'лон қилинган баёнотини барча мамлакатлардаги газеталар кенг шарҳламоқдалар. Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси шу муносабат блан, ижтимоий системалари ҳархил бўлган давлатларнинг тотув яшашлари мумкинлиги ва лозимлиги ҳамда буюк давлатлар ўртасида музокаралар олиб боришнинг ғоят муҳимлиги тўғрисидаги масалага, я'ни Англиянинг бутун жамоатчилигини қизиқтираётган масалага тўхталиб ўтади. «Таймс» газетаси бундай деб ёзади: «Бир-бирига зид бўлган манфаатларни келиштириш учун музокаралар ва битимлардан фойдаланиш мумкин эканлигини Англияга тажриба кўрсатиб турибди. Шу сабабли тотув яшаш урушнинг олдини олишдан кўра ҳам каттароқ натижа бериши мумкин».

Совет таклифларига Францияда алоҳида э'тибор берилмоқда. Франциянинг хилма-хил сиёсий маслакдаги жамоат доиралари Американинг Европада юргизаётган агрессив сиёсати натижасида Франция мушкул аҳволга тушиб қолганлигини яхши биладилар. Франция яна ўзининг азалги душмани бўлган герман милитаризмининг тикланиши хавфи олдида турибди. Франция душманлари Франциянинг Бонн қасосчилари бошчилигидаги «Европа армияси»га ёки ғарбий герман вермахтини бевосита тиклаш планига рози бўлишдан бошқа иложи йўқ, деб да'во қилмоқдалар.

Лекин Франция жамоатчилиги мамлакат олдида янгидан тикланаётган герман милитаризми туғдирган хавфни бартараф қиладиган бошқа йўллар борлигига қаттиқ ишонмоқда. Франциянинг ҳафтада бир марта чиқадиган «Франс-обсерватэр» газетаси бундай деб кўрсатади: «Совет ҳукуматининг сўнгги нотаси ва Жанва кенгашининг муваффақияти шундай имкониятлар очиб берган бир вақтда, Франция ҳудди ҳозирги вақтда ташаббусни ўз устига олиши ва илгариги проекларни улоқтириб ташлаб, Европа проблемаси юзасидан конкрет таклифларни киритиши лозимлиги равшан эмасми. Биз Франция янги ҳукуматининг ана шу вазифани бажаришга киришувини ҳамда бундан илгари бизни муваффақиятсизликка олиб келган йўллардан воз кечишини истаймиз».

Совет таклифлари Германия масаласини тезликда ҳал этиш учун конкрет перспективалар очиб беради, бундан Европадаги барча халқлар ва биринчи навбатда немис халқининг ўзи жуда манфаатдордир. Германия Демократик Республикасининг халқ палатаси Германиядаги бутун аҳолининг манфаатларини ифодалаб, Бонндаги бундестагга мурожаат қилишга ҳамда уни Германия тўғрисидаги масала юзасидан тўхтатиб қўйилган музокараларни яна бошлаб юборишни ва кенгаш тамом бўлгунча Германиянинг иккала қисмини ҳам бирон ҳарбий группага қўшиш йўлида ҳеҳқандай тадбирлар кўрмасликни таклиф қилиб тўрт давлатга биргаликда тантанали мурожаат юборишга чақиришга қарор қилди. ГДР ҳукумати коллектив ҳавфсизликнинг умумевропа системасини вужудга келтириш тўғрисидаги совет таклифларига қўшилди. Ғарбий Германиядаги кенг халқ оммаси ва бирқанча сиёсий арбоблар, шу жумладан социал-демократик партия раиси Олленхауэр ҳам Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватладилар.

Европа хавфсизлигининг очиқдан-очиқ душманларигина совет таклифларидан норозидирлар. Совет ҳукуматининг 24 июльдаги нотаси ва айниқса 4 августдаги баёноти ана шу душманлар орасида саросима ва ваҳима туғдирди. Лекин шунаси характерлики, уларнинг заҳар сочиб пишиллашларининг ва туҳмат гапларининг лойқа тўлқуни орасидан бир нарса очиқ эшитилиб турибдики, улар совет таклифларининг ўз вақтида киритилганлигини ва халқаро муносабатларнинг келгуси ривожланиши учун бу таклифларнинг катта аҳамиятга эга эканлигини э'тироф қилишга мажбурдирлар.

Америкаининг реакцион матбуотидаги баёнотларда совет таклифлари АҚШнинг ҳукмрон доиралари ҳеҳқандай қилиб бўлса ҳам герман милитаризмини тикламоқчи ва Ғарбий Европада агрессив ҳарбий группа тузмоқчи бўлаётган бир пайтда киритилганлиги э'тироф этилмоқда. Америка газеталари совет таклифлари ана шу планларнинг амалга оширилишини кийинлаштираётганлигидан ғазабланиб, бу таклифлар Европа хақларининг тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларига жавоб беришини беихтиёр айтиб қўймоқдалар. Совет нотаси, деб та'кидлайди «Нью-Йорк таймс» газетаси, «оддий кишининг қалбига шунчалик азиз бўлган тинчлик ва ҳавфсизлик масалаларини... яна кўтарди... Руслар тинчлик йўлидан бормоқдалар. Бу эса Қўшма Штатларнинг ва Совет Иттифоқининг жаҳондаги ҳозирги позицияларига баҳо беришда жуда муҳимдир, чунки бу нарса Жанвада бўлиб ўтган воқиаларга берилган баҳони, я'ни Европа қит'асида кенг равишда қўллаб-қувватланган баҳони акс этдиради... Шу сабабли Қўшма Штатлар учун жиддий аҳвол юзага келмоқда. Қўшма Штатларнинг Европадаги ҳамма планлари ҳавф остида қолмоқда...»

Америка дипломатлари ва пропагандистлари совет таклифлари тўғрисида қанчалик тажанг бўлиб ва асабийлашиб фикр баён этаётган бўлсалар, бу таклифларнинг Европада ҳавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида тинч ҳамкорлик қилишдан иборат равшан мақсадни кўзлаётганлиги Европа мамлакатларидаги жуда кенг табақаларга шунчалик аёндир. Совет Иттифоқи янги уруш тайёрлаш планларига қарши ҳамиша изчил ва қат'ий кураш олиб борди ва олиб бормоқда. Бу курашда уни бутун тинчликсевар инсоният тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқи жамоатчилиги Совет ҳукуматининг коллектив хавфсизликнинг умумевропа системасини вужудга келтиришга ва герман масаласини ҳал этишга қаратилган янги таклифлари халқаро вазиятдаги кескинликни янада юмшатишга ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам этади, деб чуқур ишонади.

(«ПРАВДА» газетасининг 7 августдаги бошмақоласи).

СССР Министрлар Советида

Германиядаги Совет Ҳарбий Ма'мурияти ва Совет Контроль Комиссиясининг буйруқларини бекор қилиш тўғрисида

Совет Иттифоқи бошқа суверен мамлакатлар блан қандай муносабатлар ўрнатган бўлса, Германия Демократик Республикаси блан ҳам худди шундай муносабатлар ўрнатганлиги сабабли ҳамда кейинги вақтларда СССР Ҳукумати блан ГДР Ҳукумати ўртасида бу масала юзасидан бўлиб ўтган фикр олмошишларга мувофиқ, Совет ҳукумати Германиядаги Совет Ҳарбий Ма'мурияти ва Совет Контроль Комиссияси томонидан Германия Демократик Республикасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига тааллуқли масалалар юзасидан 1945 йилдан бошлаб 1953 йилгача чиқарилган барча буйруқ ва фармойишларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу блан бирга, Совет ҳукумати ГДР ҳукуматининг, Германия Демократик Республикаси Германияни тинчлик ва демократия йўлидан ривожлантириш ҳақидаги тўрт томонлама битимлардан ўзи учун келиб чиқадиган мажбуриятларга амал қилади, деган баёнотини ма'лумотга олади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Краснодар ўлкасидаги Кушчевская МТС комбайнчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. И. Мироненкони иккинчи марта Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

1953 йилда дон экинларини ўриб-йиғиб олиш ва янчишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олиш ҳуқуқини берадиган **юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун,** СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 3 мартдаги ва 1952 йил 3 майдаги Фармонларига мувофиқ, Кушчевская МТС комбайнчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Георгий Иванович **Мироненко** иккинчи марта **Ленин** ордени блан мукофотлансин. Г. И. Мироненко «Сталинец-6» комбайни блан ҳосили ўриб олинган майдонда 20 иш куни ичида 10.201 центнер донли ва мойли экинлар янчиб берган.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 6 август.

Л. М. Кагановичнинг сув транспорти ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқи алоҳида китоб қилиб нашр этилди

Давлат Сиёсий адабиёт нашриёти Л. М. Каганович, «Сув транспортининг ишини яхшилаш ва уни янада юксалтириш тўғрисида». (Сув транспорти ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгашида 1954 йил 6 мартда сўзланган нутқ) китобчасини босиб чиқарди.

Китоб оммавий тираж блан нашр этилди. (ТАСС).

Областимизда

Юбилей шарафига

Тошкентдаги қоғоз фабрикасининг коллективи Ўзбекистон ССР 30 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборди. Фабрика коллективи мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилиш натижасида 7 ойлик ялпи махсулот ишлабчиқариш планини муддатидан 22 кун олдин бажарди.

Корхона коллективи ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 430 минг сўмлик ортиқ махсулот ишлабчиқарди, махсулотнинг таннархи 8,5 процент камайтирилди, 677 минг сўмлик хомаш'ё иқтисод қилинди, меҳнат унуми эса 12,4 процент ортди.

Бундай юқори кўрсаткичларга фабриканинг ишчи ва хизматчиларининг аҳллик блан астойдил ишлашлари, ҳамда ихтиро'чилик ва рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш натижасида эришилди. Қоғоз цехининг слесари К. К. Вечкилёв, толь цехининг слесари Л. А. Цванг, электрик Б. Т. Лесин, техник-нормировщик Демченко каби илғор ишчилар бирнеча қимматли рационализаторлик таклифлари киритдилар. Улар корхонада меҳнат унумини оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Яқинда слесарь К. Вечкилёв қоғоз қийқиндиларини тутиб қоладиган машина ихтиро' қилди. Ишчилар томонидан «Ловушка» деб номланган бу янги машина муваффақият блан кўрикдан ўтди ва ҳозир ишлабчиқаришда қўлланилмоқда. Натижада шу кунгача бекорга кетадиган қоғоз қийқиндилари энди «Ловушка»да тўпланиб, улардан юқори сифатли қоғоз тайёрланадиган бўлди. Илғор слесарь Вечкилёв ихтиро' қилган бу «Ловушка» йилига ўрта ҳисоб блан 41 минг сўм маблағ тежаш имкониятини беради.

Булар каби кўплаб илғор новаторларга эга бўлган фабрика коллективи республикамиз тўйини меҳнат соҳасида муносиб совга блан кутиб олишга зўр ғуюқлик блан тайёрланмоқда. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб йиллик ишлабчиқариш планини 1 декабрьгача бажариш ва пландан ташқари 2 миллион 400 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Б. ИМОМОВ.

Динга қарши пропаганда ишлари кучайтирилади

Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси динга қарши пропаганда ишларини кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси партия ташкилотлари, маданий-оқартув муассасалари, сиёсий, ва илмий билимлар тарқатучи жамият томонидан динга қарши темаларда ўтказилаётган лекциялар қониқарли эмаслигини та'кидлади. Лекциялар кўпинча табиий ҳодисаларни чуқур таҳлил этмаган ва диний урф-одатларнинг зарарли моҳиятини яхши анализ қилмаган ҳолда ўтказилади. Ба'зан эса ташкилотларнинг айби блан белгиланган лекциялар ўқилмай қолади. Айниқса ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида илмий-атеистик пропагандага кам э'тибор берилмоқда.

Октябрь, Сталин, Фрунзе район партия комитетлари аҳоли ўртасида табиий-илмий пропаганда ишларини йўлга қўйишга кам э'тибор бермоқдалар. Шаҳар маданият бошқармаси (бошлиғи Ўрток Тожибоев) динга қарши пропаганда ишларини кучайтиришга ташаббускорлик кўрсатмаётир. Шаҳар лекция бюроси (мудири Ўртоқ Ривкин) малакали лекторлар тайёрлаш ва улар блан тез-тез кенгашлар ўтказиб туришга аҳамият бермаётир. Шунингдек, кино-театрлар, парклар, клублар ва музейларда динга қарши темаларда суҳбатлар ўтказиб турилмайди.

Шаҳар партия комитети динга қарши пропагандани кучайтириш тадбирларини белгилади. Яқин вақт ичида агитаторлар, пропагандистлар ва маданий-оқартув ходимларининг табиий-илмий пропаганда ишларига бағишланган кенгашини ўтказишга қарор қилинди. Илмий-атеистик пропаганда бўйича доимий ишлайдиган семинар ташкил этиш лозим топилди. Шаҳар районларида илмий-табиий пропаганда бўйича лекториялар ташкил этилади. Октябрь ва Сталин районларига динга қарши пропаганда ишларини кучайтиришга ёрдам бериш учун агитатор ва пропагандистлар группаси юборилиадиган бўлди.

Колхозда янги радиоузел

Октябрь районидаги Каганович номли колхоз кундан-кунга обод бўлмоқда ва колхозчиларнинг турмуш фаровонлиги тобора яхшиланмоқда. Бу ерда уй-жойлар, жамоат бинолари ва маданий муассасалар қурилмоқда. Яқинда колхозда катта радиоузел қурилди. Ҳозир 700 колхозчининг уйи ва дала шийпонлари радиолаштирилди.

Радиоузел колхозларга маданий хизмат қилмоқда. Тажрибали колхозчилар ва илғор бригадаларнинг иш методлари радио орқали кенг оммалаштирилаётир. Бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақа натижаларининг якуни ҳар куни радио орқали эшитдирилмоқда.

Шунингдек мавжуд магнитофондан унумли фойдаланилмоқда. Колхознинг илғор бригада бошлиқларидан Қулмон Мирзабоев, Қаюмшер Комилжонов ва МТС агрономи Маҳкамов ўртоқларнинг магнитофонга ёзиб олинган ўз иш тажрибалари ҳақидаги суҳбатлари радио орқали эшитдирилди.

Э. АСҚАРОВ,
Б. ҚУЛБЕКОВ.

ҚУРУЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Чирчиқ қуручилари Ўзбекистон ССР нинг 30 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб, қурилиш ишларининг сур'атини тезлаштириб юбордилар. Улар Юқори Социалистик шаҳарчадаги мактаб биносини 15 августгача қуриб бериш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Янги мактаб қурилишидаги асосий ишлар тугалланди. Бинонинг ички ва ташқи деворлари оқланди. Йўлдан мактабгача бўлган 200 метр масофадаги йўлакгача бетон ётқизилди.

Мактаб қурулишида ишлаётганлардан Малик Соатов, бетончилар бригадаси а'золаридан Иван Астафьев, Жўра Рўзматов, малярлардан Ҳусанова, Аҳмедова, Шукурова каби илғорлар жундалик топшириқларини 200 процентгача етказиб бажармоқдалар.

Шаҳар меҳнаткашларининг 500 дан ортиқ ўғил-қизи янги ўқув йилини шу янги мактабда бошлайдилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ШАХТЕРЛАР КУНИ ОЛДИДАН

Оҳангарон шаҳрининг кончилари шахтерлар куни шарафига социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Бунинг натижасида «Ўзбекуголь» трестининг коллективи етти ойлик ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари юзларча тонна кўмир қазиб берди.

Ўзаро социалистик мусобақада олдинда бораётган комсомол а'зоси Наримон Халилов бошчилигидаги бригада ойлик планни 15 июльдаёқ бажариб қўйган эди. Бригада бу кўрсаткичларга меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва мусобақа якунларини ўз вақтида текшириб туриш туфайли эришди. Ўртоқ Халилов экскаваторнинг юриш ва айланиш тезлигини оширишни таклиф қилди. Бу, ишчиларнинг бир меёрда ишлашини та'минлади.

Шаҳар шахтерлари ўзларининг традицион байрамлари шарафига пландан ташқари қўшимча равишда бирқанча эшелон кўмир қазиб чиқариш мақсадида барча ички имкониятлардан кенг фойдаланиб ишламоқдалар.

Ф. ПЕТРОВ.

КОМБИНАТНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишга туширилганига шу йил июль ойида 20 йил тўлди. Шу муносабат блан тантанали йиғилиш бўлиб, комбинат директори Комков ва 1-нчи тўқув фабрикасининг кекса ишчиларидан Трусова ўртоқлар комбинатнинг 20 йил ичида илғор совет техникаси блан ускуналанганлиги, ишлабчиқариш қуввати-нинг ошаётганлиги ҳақида сўзладилар.

Юбилейда комбинатда йигирма йилдан бери ишлаб келаётган ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 450 кишига пул мукофоти берилди. Булар орасида оддий ишчидан мастерлик даражасигача кўтарилган С. Ваҳобов, Ғ. Бокиев ўртоқлар бор.

Йиғилишдан сўнг комбинат ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг а'золари ва шаҳар ҳамда республикада хизмат кўрсатган артистлар иштирокида катта концерт берилди.

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА

Қўрик ерларнинг механизаторлари павильонда

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаш павильони. Унинг 26 та залида юзларча экскурсантлар. Колхоз раислари, дала мудирлари, тракторчилар, совхоз ва МТС ходимлари экспонатларни кўздан кечириб, у ёки бу агрегатнинг иш унуми тўғрисидаги ма'лумотларни ёзиб оладилар, энг янги техниканинг афзалликларини муҳокама қиладилар.

Қўрик ерлардан келган механизаторларнинг катта группаси павильонни кўрди. Улар орасида — Чкалов областининг тракторчилари: «Тобольский» дон совхозидан Т. Агафонников ва «Восточний» дон совхозидан С. Личагинлар бор. Уларни янги техника блан ажаблантириб бўлмайди. Виставкада қўйилган кўп машиналар уларнинг хўжаликларида ҳам бор.

Лекин улар «Сталинец-8» комбайни олдига келиб тўхтайдилар.

— Мана буниси бизга ма'қул, — дейди Личагин мамнунлик блан.— Комбайннинг иш доираси кенг, худди бизнинг бепоён ерларимизга мос келади.

Бу ерда ўғит сочадиган сеялканинг янги нусхаси бор. Ҳали ҳозирча қўрик ерларни ўғитлашнинг ҳожати йўқ ва бундай машиналар қўрик ерларда ҳалибери керак ҳам бўлмайди. Лекин тракторчилар бундай сеялкаларнинг беш-олтитасини тракторга тирқаш мумкин деб чамалайдилар. Улар беда ва юнчка уруғини бегона ўтлардан тозалайдиган электромагнит машинаси ҳақидаги ма'лумотларни ўз блокнотларига ёзиб қўядилар.

Механизаторлар бешкорпусли плуг ёнида анча вақт тўхталиб турадилар.

— Бундай плуглар, — дейди Личагин, — туп-роғи ўтириб қолган қўрик ерларга бардош бераолмайди, бунинг устига бизнинг даштларимиз учун беш корпус озлик қилади, агар бешкорпусли иккига плугни тракторга тиркалса, уни тортиш қийин бўлади. Мен бу йил кўкламда олтинчи корпусни монтаж қилдим, натижада иш унуми сменада бир ярим гектар ортди.

Экскурсия раҳбари тракторчининг қўрик ерлар учун махсус равишда мўлжалланган плугларни виставкада пропаганда қилиш ҳақидаги истагини ёзиб олди.

Механизация павильони илғор тажрибанинг чинакам мактабига айланди. Экскурсиячилар қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқарилган энг янги ажойиб техника блан танишмоқдалар. Улардан ба'зилари айрим машиналарни яхшилашга қаратилган таклифларни киритмоқдалар. (ТАСС).

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш павильони. В. Егоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

БИЛДИРИШ

Шу йил 10 август кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон совет ёзучиларининг III с'езди очилади.

Ёзучилар союзининг а'золари ва кандидатлари 9 август куни Ўзбекистон ССР Ёзучилар союзидан мандатларини олишлари керак. Меҳмонлар таклиф билетлари блан киради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИНИНГ ПРЕЗИДИУМИ.

УЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИНИНГ УЧИНЧИ С'ЕЗДИ ОЛДИДАН

АДАБИЁТ САҲИФАСИ

МИРОБ ЯЛЛАСИ

Миробнинг гашти зўр куз роҳатининг иштиёгида,
Қулим кетманда-ю, кўзлар кўсақларнинг саногида.
Тилим шўх яллада, доим хаёлимда баланд ҳосил,
Фикр теккис сугармоқ бўлса, зеҳним сув булоғида.

Ўзим ёлғиз эмасман, меҳнатин колхозда дўндирган,
Менингдеклар саноқсиз, ўлкамизнинг ҳаммаёғида.
Бутун майдон кўрмагай кўзларимга худди бир гулшан,
Зумуррад товланиб барг, пушти, оқ гуллар чаноғида.

Солар аксин тўлин ой, кеча равшан, пахтазор кўркам,
Умид куз мавсумидан, ҳам гурурим пахта тоғида.
Тўлиб шавқ-завқ блан мен, ялла қилсам тунда сув бўйлаб,
Бўлар жўр менга булбуллар бу колхоз янги боғида.

Агар бошлайса тўй, колхоз мироби чиқмасин ёддан,
Планлар тўлганида, я'ни колхоз базми чоғида.

Собир АБДУЛЛА.

ҲИСОР ВОДИСИДА

(Тажикистон ҳақидаги ше'рлар циклидан)

Баланд чўққилардан мўралар қуёш,
Тушиб келар тоғдан нур ўнгурларга,
Адрнинг пастида кўкка чўзиб бош
Қадим чинор ювинарди нурларга.

Қушлар дув учади ош'ёнидан,
Қулоққа чалинар шовқун-сурони,
Булоқдай мусаффо Ҳисор осмони.

Қарайман водига суқланиб хушҳол,
Қалбимда жўш урар шодлик, тантана,
Қаршимда намоён бўлар истиқбол —
Ёзилган гўё кенг гулшан, сўзана.

Наққош ҳунарини эслатар води,
Нақадар гўзалдир чексиз қучоғи,
Муаттар атрини сочар водита
Сабзи баргларидай гераи яроғи.

Экинзор, гулбоғлар бағридан канал
Ойнадек ярқираб боқар даф'атан.
Варзобдан тоғ оша қуёшдек маш'ал
Нур келар, водида тун бўлар равшан.

Чексиздир бу юртнинг пахтазорлари,
Хатто тоғ ёнларидан кўзга ташланар.
Эл бўйлаб туташдир экинзорлари,
Айтолмас ҳеч киши қайдан бошланар.

Водини ясатган марди майдонлар
Янги гулшанларни очмоқда элга.
Қулф уриб пахтазор, боғу бўстонлар,
Завқи-шавқ бағишлар ҳарбир кўнгилга.

НАЗАРМАТ.

ИККИ УЧРАШУВ

(Бир мухбирнинг хотирасидан)

Қуёшда қорайган бадани, юзи
Похол шляпани кийган бошига.
Ғаллазор шеридек бригадир Рўзи
Бизни етаклади хирмон қошига.
Қулоқни гангитар кўш молотилка,
Аранг эшитасан гапирса биров.
Бугдой ғарамларни қилиб юз тилка
Комбайн ғувиллаб ҳаёт бетўхтов.
Бирёндан шовуллаб қуйиларди дон,
Ҳар бугдой тортганда босгудай салмоқ.
Ижжу доналардан, уйилар хирмон...
Таниндай туюлди бир кишн шучоқ.
Қўлида паншаха, бугдой боғларин
Конвейерга тоғ-тоғ ағдарар эди.
Терга ботган эди қош-қовоғлари,
Кўзида чанг ўтмас ойнак бор эди.
Қиқизил билакда қўпчиб томирлар,
Гўё хирмон блан қилар эди жанг.
Доналар эланиб улкан ғалвирда,
Ариқдай оқарди бағубор, бечанг.
— Ҳасанота ўша, — кўрсатди Рўзи,—
Хурсанд бўлдим, тўғри чиқди тахминим.
Шу пайт менга тушиб отанинг кўзи,
Таниди шекилли, қараб қолди жим.
— Яхшимисан, ўғлим! — қадрдонларча
Ота қучоқлашди мен блан қувноқ.
Бизга ҳайрон бўлиб қаради барча,
Сабабин тушуноолмасди, броқ...
Ҳасан ота блан энг биринчи бор
Учрашган эдик биз Каттақўрғонда.
Бутун халқ бир бўлиб, ишлаб шиддаткор,
Зарафшон сувини чўлга бурганда.
Беш одам ишини қилиб бемалол,
Тиним билмас эди ерни қўпориб...
Ҳамон ўша қудрат... лекин соч-соқол
Қуёшда товланар нурдай оқариб...
Газеталарда ҳам чиққанди расми,
Ёзгандим у ҳақда кичик бир китоб.
Ҳатто Йўлдош ота табриклаб шахсан,
Уни атаганди «ҳақиқий мироб».
Ҳамон ўша гайрат, ўша завқ, одат,
Аввалгидай қувноқ, хушфе'л, меҳрибон.
— Оббо, мухбир ўғлим, хўп соғ-саломат
Юрибман де?
— Шундай, отахон.
Қуёш тоғ ортига пастлашиб кетди,
Ота тема бўлди суҳбатимизга.
Афсуски, ёнимда йўқ эди «ФЭД»им,
Расмин кўрсатардим, ўқучи, Сизга.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ТОШКЕНТ

(қўшиқ)

Гўзал Тошкент нурга тўлган ҳарёғинг.
Боку, Киев, Ереванлдир ўртоғинг.
Бутун шаҳрда нур сочмоқда порпираб,
Октябрьда Ленин ёққан чироғинг.
Гўзал Тошкент менинг жонажонимсам,
Москвадан мадад олган шонимсан.
Кенг бағрингда қулоч ёзган гулбоғлар,
Мадҳинг ўқиб очилар гул, яроғлар.
Гўзал шаҳар сенинг гўзал қўйнингга,
Меҳмон бўлиб келар дўстлар,
ўртоқлар
Гўзал Тошкент сен элимнинг бахтисан,
Пахтакорлар юртин пойтахтисан.
Гўзал Тошкент нурга тўлган ҳарёғинг,
Кечалари парпирайди чироғинг,
Жаҳон бўйлаб нур сочмоқда ярқираб,
Дўстлар блан Кремльда байроғинг.
Гўзал Тошкент менинг шараф-шонимсан,
Юрагимсан, тилагимсан, жонимсан.

КАМТАР.

Ўзбекистон ССР Совет ёзучилар союзи поэзия секциясининг йиғилиши. Секция қатнашчилари шоир Собир Абдулланинг янги ше'рлар тўпламини муҳокама қилмоқдалар. Суратда: ўтирганлар (чапдан): Камтар, Холид Расул Қ. Муҳаммадий, Ҳабибий, С. Абдулла, Зулфия, А. Иванов, Ш. Са'дулла, Т Тўла, турганлар (чапдан) Рамз Бобожон, Тамкин, З. Обидов, Ў. Муҳиддинов ва Ж. Жабборов ўртоқлар. В. Салов фотоси.

ЙЎЛИМДА ТУРАРСАН ОҚҚАЙИНДАЙИН

Паровоз тутунин ёлдай таратиб,
Манзилга интилар пишқириб, шошиб.
Чарх урриб зўр тоғлар келар кузатиб,
Бораман, ўрмонлар, дар'ёдан ошиб.

Метеор сингари учар паровоз,
Ўйларим ундан ҳам елади жадал.
Йўлларга боқаман мен юммасдан кўз,
Ёд этиб сени мен жоним Гуласал.

Мана, кўкда қалқар ой—олтин қайиқ,
Эҳтимол сен унга ташлайсан нигоҳ.
Қувонгин, ўқидим ишончга лойиқ,
Қўлдаги дипломим бунинг-чун гувоҳ.

Эсимда: сафарга мени кузатиб,
Ўқишда ютуқлар истаб қолганинг.
Эсимда агроном бўлиб келинг деб
Мен тутган рулимни қўлга олганинг.

Университ блан сен гўза парваришн —
Этганлар ичида бўлолдинг илгор.
Расмингда кўраман ойдайин балқиш,
Дар'ёдек жўшқинлик, ғайрат сенга ёр.

Мана, йиллар ўтди, ҳижрон йиллари
Ортда қолди бугун мен босган йўлдек,
Вафодан тобора яшнайди диллар,
Худди шабнам қўнган қизиқизил
гулдек.

Тонгда оқ қоғозга қалбинг эритиб,—
Сен ёзган хатларинг бўлди мададкор.
Мана дил ороқкан кун келди етиб
Москва йўллади ёнингга дилдор.

Метеор сингари учар паровоз,
Кўзларим нигорон вақт ўтган сайин.
Севинчга тўлиб сен чиқарсан пешвоз,
Йўлимда турарсан оққайиндайин.

Зоҳиджон ОБИДОВ.

ПАХТАЗОРНИ ОРАЛАБ

(«Уста Рустам» поэмасидан парча)

Устака чиқди бугун
Пахтазорнинг бошига.
Ғўзалар жилва қилар
Кўрганда нақшига.
Эгилади ҳар ниҳол
Гўё салом бергандек.
Кенг дала қучоқ очар
Унга тўшин кергандек.
Рузвонхола бирбошдан
Ғўзаларни кўрсатар.
Устака хурсанд бўлиб,
Ҳазиллашиб сўз қотар:
«Яша Рузвон бригадир,
Ранс бўлиб кетмасанг.
Миришкор демас эдим
Очилойдан ўтмасанг.
Пахталарнг жойида
Аммо ҳали иши кўп,
То терив бўлгунингча
Тарбиятни қилгин хўп».
У колхоз ерларини
Бирма-бир айланади,
Ботиб чуқур хаёлга
Ўзича сўйланади:
«Бир менинг пахтам блан
Колхоз плани тўлмас,
Ҳамма бирдек ишласа
Районимиз нам бўлмас».
Толибжон ерларига
Кўзи тушиб ачинар,
Пахтаси текис эмас,
Ичи куйиб гижинар.
Ажаб товур йиғит-ку,
Лекин айби — такобир,
Шу фе'ли зиён берар
Ўзи сезмайди тушкур.
Йилгачалар йиғилиб
Сойга айланар катта,
Сойлар бирга қўшилиб
Дар'ё бўлар албатта.
Деп бориб Толибни
Топади ер бошидан.
Бирдам суҳбат ўтказар
Салмоқ блан шошилмай.
Толибжон эса мағрур
Юқтирмайди ўзинга.
Ва лекин дилда қойил
Рустам ака сўзинга.
Уста ахир мен блан
Уйнаган мусобақа,
Яна кўзлар наф'имни,
Хўш бу иши қанақа?
Энди билсам ҳақиқат
Инсофли одам экан,
Сўзларнр магзин чақсам
Менга дўст, отам экан.
Куз келиб тарозуда
Бўлма тагин шарманда,
Элингдан уял ахир,
Орият борми санда.
Бадани қизиб кетиб
Совуқ тер босди уни,
Турди сакраб ўрнидан,
Соғайди ўша куни.

Қуддус МУҲАММАДИЙ.

КОМСОМОЛ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Комсомол, комсомол яша жонажон,
Сен ботир авлодсан, ғолиб, қаҳрамон.
Йўлингдан борамиз биз пионерлар,
Ўзингсан кўмакдош бизга ҳарқачон.
Нақарот:
Яша-яша комсомол,
Яша дов'юрак.
Ўқишда, ишда сендан
Оламиз ўрнак.

Сен бизни бошлаган йўл
Қуёшдай порлоқ.
Сен блан биз, комсомол
Доимо қувноқ.

Партия йўллади, жангларга кирдинг,
Босқинчи душманни қақшатдинг,
қирдинг.
Олеглар, Зоялар кўрсатди ўрнак,
Енгилмас қудратинг намойиш қилдинг.
Нақарот.

Шу азиз Ватаннинг ўғлони сенсан,
Ҳар ишда синалган полвони сенсан.
Биз шод пионерлар содиқмиз сенга,
Ватаннинг соқчиси—посбони сенсан
Нақарот.

Мавлон ИКРОМ.

САФАРБАР САТРЛАР

Янгранг, менинг байроқдор, сафарбар
сатрларим,
Жанговар ва забардаст, қалбимнинг
ёлқинлари!
Горький бўронқушининг довюрак
парвозидан —
Та'лим олган қўшиғим, ниҳолим
тўлқинлари!
Аму бўлиб чайқалинг, жўшинг,
мавжининг вақтидир!
Шараф майдонларида қадам отинг
мардона!
Бор овозингиз блан, қалбингиз-ла
ҳайқиринг
Ленин шпорларини Маяковскиёна!
Бугун зўр довруқ блан юксалмоқда
музаффар —
Буюк коммунизмнинг буюк иншоотлари!
Юртимизда охирги дашти-биёбонларнинг —
Қолди охирги оти, охирги соатлари.
Эрта у даштларда ҳам гуркирайди
зўр ҳаёт!
Бир ҳаётки, партия идрокидан баҳраманд.
Дар'ёлар силсиласи, водиларнинг
синаси
Бири-бирига йўлдош, бири-бирига
пайванд!
Бугун — биз қураётган тинчликнинг
бинолари,
Биз бўлсак, шу тинчликнинг чўғ
бинокорларимиз!
Деталь бераётган ҳам, бутдой ўраётган ҳам,
Пахтакор ҳам, ҳаммамиз тинчлик
аскарларимиз!
Сафланинг, қанотланинг, сафарбар
сатрларим!
Тинчлик учун, тинчликнинг вахтасидан жой олинг!
Бугун ғўза гуллади, демак, ҳосил
кўринди,
Мадад бўлиб деҳқоннинг юрагига
айланинг!
Сиз, ахир, халқимизнинг кўз нури-дан баҳраманд
Пахтакорлар хатига қўл қўйган сатрларсиз!
Кишиларнинг самимий қалбига тўлқуин берган
Оташин ва ҳақиқий биз суйган сатрларсиз!
Ана шу илҳом блан мавж уринг
сатрларим,
Қўшиқ бўлиб гуруллаанг деҳқон қизлар тилида.
Посбон бўлинг ҳарбитта ғўзанинг
шоҳасига,
Ипак қуртидек сиз ҳам ҳосил ўранг
гулида!
Ахир, чигиткинамас экканимиз
навбаҳор,
Экканимиз уни мангу тинчликнинг
уруғи деб,
Демак, ҳарбир ишимиз фароғатнинг
гарави,
Қудратимиз манбаи, юртимиз довруғи
деб.
Тинчлик ҳарбир ғўзанинг нафас
олишидадир,
Тинчлик ҳарбир деҳқоннинг юрагида,
дастида!
Сиёсий муттаҳамлар қабиҳ ниятлар
блан
Изғийди бу тинчликни бузиш,
топташ қастида.
Лекин, тинчлик калиди ҳақ ва
эркнинг қўлида.
Ортмоқдадир кундан-кун бу
курашнинг қатори!
Миллионлар байроғида оламни
ёритмоқда
Янчиб қора тунларни коммунизм
шиори!
Парвоз қилинг яна ҳам юксакроқ эй,
мисра'лар!
Ёв кўзини куйдирсин Ватаним,
ютуқларим!
Ватан учун,
эрк учун,
улуғ партия учун
Жанг ўтида тобланган аскарий
қўшиқларим!

Туроб ТЎЛА.

Кўнгилчанлик балоси

Драматург Назир Сафаров «Кўнгилчанлик балоси» пьесасини ёзиб тугатди. Пьесада қишлоқ хўжалик мутахассисларининг КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорига жавобан колхозларга ва МТСларга бориб фидокорона меҳнат қилаётганликлари асосий тема қилиб олинган.

Ботиржон сентябрь Пленуми қарори муносабати блан қишлоққа бориб ишлаётган кишиларнинг бири. Пьесада Ботиржон ва бошқа илғор кишиларнинг колхоз ишлабчиқаришида намуна кўрсатиб ишлаши ва қолоқ кишиларга қарши кураши тасвирланади.

Биз қуйида Н. Сафаровнинг «Кўнгилчанлик балоси» деган янги пьесасининг учинчи парда биринчи кўринишини қисқартириб босдик

Ботиржон. Кечирасиз Валихўжа ака. Мен сизга ақл ўргатмоқчи эмасман.

Валихўжа. Хуллас, ҳозир ўгит йўқ.

Дилбар. Ўртоқ Баракаев! Мен бу шароитда ишлайолмайман. Ҳар қадамда тўсқинлик... ана бригадалари, хоҳлаган кишиларига берсинлар.

Валихўжа. Қари ўламан, ёш кетаман деб қўйдирар экан. Майли, ариза бер, ишлайдиган киши топилар.

Дилбар. Хўп.

Дилбар чиқиб кетади.

Валихўжа. Бу қиз нимасига бунча бино қўяди, тушунмайман!

Ботиржон. Тўғри, тушунмаяпсиз.

Валихўжа. Ботиржон! Сиз ҳам менинг тилимни қичитаверманг. Ёр тагида илон қимирласа биладиган одамман. Кузда деворий газетага ёздирдингиз, тилимни тишладим. Энди яна буларни киш-кишлаганингиз нимаси?

Ботиржон. Ана холос...

Валихўжа. Андиша керак. Ботиржон укам. Мен сизни учсам қанот, қўнсам қуйруқ бўласиз деб ўйлаган эдим. Сиз бўлсангиз колхозчиларни менга қарши отлантираяпсиз.

Ботиржон. Кечирасиз. Сиз ўзингиз ўзингизни коллективга қарши қўяяпсиз.

Валихўжа. Сиз мени бир бригадирчалик ҳам писанд қилмай қўйдингиз! Парторгман деб ҳадеб команда бераверасизми?

Ботиржон. Мен ўзбошимчалик қилманг, правление қарорини бузманг, илғорларнинг ташаббусини сиз ҳам қўллаб-қувватланг десам, команда берган бўламанми?

Дилбар киради.

Дилбар. Мана аризам.

Валихўжа. (пешвоз чиқиб). Олиб кел!

Дилбар. Кечирасиз. (Аризани Ботиржонга беради).

Валихўжа. Бригадирни бўшатиш Ботиржон акангизнинг иши эмас!

Дилбар. Коммунистларнинг муҳокаматарига қўйишингизни сўрайман.

Валихўжа. Ҳмм... Бу найранглар кимдан чиқаётганлиги мана, энди ма'лум бўлди.

Ботиржон. Қандай найранг? Коммунист коммунистнинг устидан шикоят қилишга ҳаққи борми-йўқми?

Валихўжа. Мен сиз ўйлаган одам эмасман. Сиз (Ботиржонни кўрсатиб) раис бўлмоқчисиз! (Дилбарни кўрсатиб) бўлажак далликчангизни ишга солиб, Валихўжага чуқур қазиётяпсиз! (Бошини ушлайди).

Ботиржон. Ўртоқ Шерхўжаев! Бачканалашиб кетдингиз!

Дилбар. Ўртоқ Баракаев! (ҳаяжонланиб), аризамни бўёққа беринг. Раисимизни бу қадар бачкана одам деб билмаган эдим. (Қўл чўзиб аризамни беринг. (Йиғидан ўзини зўрга тутиб) райкомга бораман...

Ботиржон. Аризани сиз Баракаевга эмас, партия ташкилоти номига ёзгансиз. Ўртоқ Мақсудалиева, ҳаммадан бурун коммунист, сўнг бригадирсиз. Бригадирлик вазифасига сизни партия ташкилоти тавсия қилган. Сиз ўзингизнинг партия олдида жавобгар эканлигингизни унутманг! Кечқурун идорага келинг.

Дилбар. Хўп.

Дилбар кетади.

Ботиржон. Валихўжа ака, сиз ҳам кечқурун идорага келасиз.

Валихўжа. Мен райкомга бораман.

Ботиржон. Райкомга бирга борамиз.

Ботиржон кетади.

Валихўжа. (дори ичади.). Раисликни осонликча берақолмасман, сенга!

Валихўжа кетади. Сидиқжон, Болта, Хатамжон киради.

Болтавой (нон кавшаб). Роқия хола, ҳо Роқия хола.

Роқия (орқадан). Ҳозир.

Болтавой. Уч кишимиз...

Роқия (бир коса ошни Болтавойга узатиб) Кечикиброқ келдиларингиз. Баҳам кўрасизлар-да ўрғулай.

Хатам. Қозон таги ширин бўлади, раҳмат.

Болтавой. Мирбадал завхоз. Роқияхолам повар бўлиб, ҳаммаёқ уношига айланиб кетди. (Ошни шопириб) Хатамака, сиз ҳам правлениега яқин одамсиз, кўриб қўйинг буни. Қозонда бўлса чўмичга чиқадими, ёки... тўғрими-йўқми? (Кулги).

Хатам. Тўғри, тўғри.

Болта. Завхозни танқид қилакўрманг.

Хатам. Нега?

Болтавой (Роқияга шама қилиб). Туққан-туққан топишиб, сизга хамир ёпишмасин яна (кулги).

Хатам. Рўпарангизда Роқия холам бордар. Нима бало юзингда кўзинг борми ҳам демайсиз-а! (кулги).

Болтавой. Меня билмайсизми, гап келганда Роқия холамни ҳам аямайман (кулги).

Хатам. Роқия хола, хафа бўлмайсиз-да, ҳазил-ҳазил

Роқия. Опамнинг қозонини мазаллик қилган поччамнинг ёғи, гўшти деб бир шўрлик айтган экан.

Болтавой. Шўри курсин поччанинг. Ёғ-гўшт хомталаш бўлаверса, қозонга мазза кирармиди!

Роқия. Бу сўзингизни ўша хомталаш қилаётганларга гапиринг, ўрғулай.

Болтавой. Эй, холамнинг ҳам танқидга тоблари йўққа ўхшаб қолди (бармоқ блан санаб). Шанба увра оши, жума тегирмон оши, пайшанба ун оши, чоршанба хамир оши... Ҳе ўрғулиб кетдим мен сизлан! Кани картошка, кани гўшт?!

Хатам. Вой вой Болтавой (сулаяди). Ун ошдан гапирманг, совуғим ошиб кетди (кулги).

Болтавой. Завхаз блан поварни бир мажлисга солмасак бўлмайди.

Роқия (қўққисдан). Вой ,мен ўлмасам.

Хатам (иргиб туриб). Ҳа, хола, чиёнмиди чақдими?

Роқия. Ҳай, мен қароер, қозонимга ёғ солган эдим-а.

Болтавой (қўпиртириб). Ол, ўт кетди, пожар! Роқия хола! (косани узатиб). Мана ошингиз, Мирбадал келса ичиринг!

Болта, Сидиқ, Хатам кетди, ширакайф

Мирбадал кирди.

Роқия. Ош ичасанми?

Мирбадал. Йўқ.

Роқия (зўрлаб). Мана шу ошни ичсанг ҳам ичасан, ичмасанг ҳам.

Мирбадал (тишини кавлаб, кекириб). Жинни-минни бўлдингми! Олиб бор... қорним тўқ. Ҳозиргина палов едик.

Роқия. Палов? Паловни ким блан еди?

Мирбадал. Ким блан бўларди. Субхонқул самоварчининг қозони қайнамаган кун Валихўжа акамнинг ошига қўшилмасам қорним оғрийдиган бўп қолди. (Кулги).

Роқия. Субхонқулнинг ошини ранс блан сен е-! Колхозчиларнинг муштини бу ерда мен ейман.

Мирбадал. Қўйсанг-чи опа, сани муштлайдиганнинг боши нечта?

Роқия. Болтавой иккаламизни мажлисга солмоқчи бўлиб кетди.

Мирбадал. Нима учун?

Роқия. Сен энди қаллоблигингни ташла! Кеча менга ўн икки кило гўштга қўл қўйдирдинг. Беш кило берибсан.

Мирбадал. Рансинг уч чақирим ердан пашшикнинг ҳидини олса мен нима қилай! (қараб) Жим!

Тургун, Хатам, Валихўжа кирди.

Опа чойнакни ювиб кел.

Роқия кетди.

Валихўжа. Хўш, гапиринг, ундан кейин нима бўлди? (Мирбадал Тургунга «нима гап?» дегандек имо қилади).

Тургун. Қайси кунги кунжара можараси.

Мирбадал. Ҳа, дарвоқи, Сандбарака чиқдими?

Тургун. Йўқ.

Мирбадал. Бу воқиадан менинг ҳам жиндак хабарим бор, Валихўжа ака. (Роқия чойнак келтирди, халтачадаги чойни узатиб). Ма, аччиқроқ бўлсин.

Роқия кетди.

Валихўжа. (қўадан кечириб). Хатамжон, ўқинг-чи.

Хатам. (қоғозни олиб ўқийди). Справка. Берилди ушбу справка «Пахтакор» колхозининг экспедитори ўртоқ Тургунжон Тўхтасиновга, шул тўғридаким, Сандбарака Саидвали ўғлининг ҳовлисидаги кунжара ҳақиқатан ҳам «Пахтакор» колхозининг фермасиники бўлиб, зарурлиги ва ҳозирги ишлаб чиқаришда ишлатилиши ва ишлатилиши ва ишлатилиши ва

Механизатор кадрлар тайёрлашга аҳамият берилсин

ЎзЛКСМ область комитетининг пленуми

Шу йил 5 августда Ўзбекистон ЛКСМ область комитетининг навбатдаги III пленуми бўлиб ўтди.

Пленум комсомол ташкилотларининг механизатор кадрлар тайёрлашга иштироки тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Бу масала юзасидан доклад қилган область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Кенжаев ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар комсомол ташкилотларининг қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда механизатор кадрларни тайёрлаш катта аҳамиятга эга эканлигини таʻкидладилар.

Область далаларида 40 минг комсомол ва ёшлар пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар. Ёшлар қолоқ колхозларни мустаҳкамлаш ва уларни илғорлар даражасига кўтаришга муносиб ҳисса қўшаётирлар. 500 комсомол ва ёшлар ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, камқувват колхозларга кўчиб бориб ишламоқдалар.

Пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш — биринчи галда механизациядан тўғри фойдаланишга боғлиқдир. Бу соҳада ҳарбир МТС да ишчан ва тажрибали кадрлар тайёрлаш катта аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қароридан кейин механизация кадрлари тайёрлашга эʻтибор кучайтирилди. Областимизнинг бирқатор шаҳар ва районларида механизация кадрларини тайёрлаш ўқув юртлари ташкил қилинди. Шу йилнинг ўзида 895 ёш мутахассис ўқув юртларини битириб, МТС ларга доимий ишлаш учун жўнаб кетдилар.

Лекин, Мирзачўл, Ховос, Чиноз район комсомол комитетлари механизация ўқув юртларининг иши устидай қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар. Мирзачўл шаҳридаги ўқув юртида ўқиш ва ўқитиш ишлари ҳали ҳам қониқарсиз давом этмоқда. Ўқучилар ўртасида оммавий-тарбиявий ишларнинг паст савияда бўлиши туфайли кейинги икки ой ичида ўқучилар ўтилган дарсларни қониқарсиз ўзлаштирмоқдалар.

Музокарага чиққанларнинг сўзлари дан маʻлум бўлдики, кўпгина районларда механизация кадрлари тайёрлаш ўқув юртларини тамомлаган ёшлар ўз касбларида фойдаланилмаётир. Уларнинг кўпи иккинчи даражали ишларда ишламоқдалар. Бундай аҳвол эса кўпгина МТС ларда тракторларнинг икки сменада унумли ишлашига халал бермоқда.

ЎзЛКСМ Калинин район комитетининг секретари Ўртоқ Эгамбердиев ўз сўзида район комсомол комитетининг МТС комсомол ташкилотларининг ишини яхшилашда бирмунча ишлар қилганлигини айтди. Тракторчи механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар бирмунча яхшиланган. Шунга қарамай область комсомол комитетининг пропаганда ва агитация бўлими қишлоқ ёшлари ўртасида лекция пропагандасини яхшилашга аҳамият бермаётир. МТС клубларида маданий-оммавий ишлар кўнгилдагидек ташкил қилинмаётир.

— Районимизда, деди ЎзЛКСМ Бекобод район комитетининг секретари Ўртоқ Тўрақулов, — 3 та МТС бор. Аммо ҳалигача улар тракторчи кадрлар блан таʻминланмаган. Область комсомол комитети механизация ўқув юртини ва МТС комсомол ташкилотларининг ишини яхшилашга етарли аҳамият бермаётир. Механизация ўқув юртларида ўқув қуроллари ва тажрибали ўқитучилар етишмайди. Кўп ўқитучиларнинг маʻлумоти паст бўлгани учун ҳам машгулотлар юзаки ўтмоқда.

Сирдарёʻ машина-экскаватор станцияси бошлангич комсомол ташкилотининг секретари Татаренко, Чиноз район комсомол комитетининг секретари Орзиқўлов, Мирзачўл шаҳар механизация ўқув юрти комсомол ташкилотининг секретари Носирова ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида область комсомол комитети ва республика меҳнат резервлари бошқармаси раҳбарларининг механизация ўқув юртларига қониқарсиз раҳбарлик қилаётгандикларини кўрсатиб ўтдилар. Область комсомол комитетининг ходимлари механизация ўқув юртларига камдан-кам борадилар. У ерга борганларида ҳам ҳеч қандай амалий ёрдам бермай қайтаверадилар.

Область комсомол комитетининг пленуми механизатор кадрлар блан ишлашни ҳамда ўқув юртларида ўқиш-ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш юзасидан қарор қабул қилди.

Агротехниканинг барча тадбирларини қўлланиб, август ойида мўл ҳосил тўпланишига эришайлик!

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг 8-нчи бригада аʻзолари июль ойида фидокорона меҳнат қилиб барча майдонларда ғўзаларнинг мўл ҳосил тўплашига эришдилар. Бригада аʻзолари ғўза парваришини август ойида ҳам давом этдиришга қарор қилдилар. **Суратда:** Бригаданинг ўртоқ **Шарофат Исроилова** (ўнгда) бошлиқ звеносида ғўзалар чеканка қилинмоқда.

Э. Дусабоев фотоси.

☆

Ҳар туп ғўзада 10—12 тадан кўсак

Катта йўлдан бормоқдамиз. Йўлнинг чап томонидаги яхлит 23 гектарлик картада иш қизғин давом этмоқда. Кенг пахтазорларда колхозчиларнинг хушчақчақ овозлари баралла эшитилиб туради.

— Бу ер эски бедапоя ўрни. Ҳў... катта картада 1-нчи ва 2-нчи звеноларимизнинг йигит ва қизлари ишлашаяпти, — деп таништирди 6-нчи бригада бошлиғи Волахоним Назарова. Далаларни айланиб 1-нчи звено ерига бориб қолдик. Звено бошлиғи Мисрали Умаров пайкалдаги ғўзаларга сув тарамоқда эди. Яхши парвариш қилиниб, ўз вақтида озиқлантирилган ғўзалар мўл ҳосил тугабошлаганлар.

Мисралиака гап бошлаб бундай деди:

— Звеномизнинг 11,5 гектар пахта майдони бор. Биз аввал ҳар гектардан 45 центнердан ҳосил бериш учун социалистик мажбурият олган эдик. Звеномизнинг аʻзолари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларидан илҳомланиб, ҳар гектар ердан 60 центнер пахта ҳосили етиштириш учун қўшимча мажбурият олдилар. Мажбуриятга яраша фидокорона меҳнат қилинмоқда.

— Ваʻдамизни бажарамиз. Ғўзамиз шу вақтгача 5 марта комплекс парвариш қилинди. Ҳарбир туп ғўзамизда ҳозирданоқ 10—12 тадан кўсак бор.

Мисралиака бир туп ғўзанинг кўсагини санаб кўрсатди, айтганича бор экан.

Илғор звеноннинг аʻзолари социалистик мусобақа асосида ишлаб, июль ойи графигининг ошириб бажарилишига эришдилар. Ҳар куни иккита норма бажариб, бутун колхозда донг чиқарган Ҳурмат Умарова, Мунамша Ойвазова, Сайри Сафарова ва Умри Мазбувалар ғўзаларни чеканка қилишда ҳам ҳаммага намуна бўлаётирлар.

Бу звено аʻзолари ўзлари блан ёндош ўртоқ Сулаймон Холиқулов бошлиқ звено аʻзолари блан мусобақалашмоқдалар. 2-нчи звеноннинг ҳам 11,5 гектар ери бўлиб, 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Звено ғўзалари 4 марта чуқур кетман чопиғи, 5 марта культивация қилинди, 3 марта озиқлантирилиб, суғорилди. Яхши парвариш қилинган ғўзалар ҳосилга тўлиб, кўп миқдорда кўсак тугмоқда.

— Звено аʻзолари, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Б. Назарова, — ўз зиммасига олган мажбуриятини шараф блан бажариш учун ишни бўшаштирмасдан ғўза парваришини август ойида ҳам давом қилдирмоқдалар. Шу блан етиштирилаётган мўл ҳосилни машина блан теришга намунали тайёрланмоқдалар. Бригада сушилкаси ремонт қилинди. 2 та пахта хирмон жойи сувалиб, тошторозилар тайёрлаб қўйилди.

Бўка район Қорақўйли қишлоқ советидаги илғор Усмон Юсупов номли колхознинг 820 гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Азамат пахтакорлар август ойида ҳам ғўзага ишлов беришни бўшаштирмасдан, ғўза парваришини йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш блан бирга қўшиб олиб бормоқдалар.

Я. ИСМАТОВ.

Илғорлар ғўза парваришини давом этдирмоқдалар

Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхоз областимизда юқори ҳосилли йирик колхозлардан ҳисобланади. Бу йил колхоз 905 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган. Меҳнатсевар колхозчилар шу кунларда механизаторлар блан ҳамкорликни янада кучайтириб, ҳосил тўплаш ойлигини намунали ўтказмоқдалар.

Колхознинг ҳамма ердаги ғўзаси тўртинчи чопиқ ва бешинчи культивациядан чиқарилиб, икки марта озиқлантирилди. Ғўза қатор ораларига минерал ўғит маҳаллий ўғит блан аралаштирилиб солинди. Ҳозир экин вақтида суғорилиб ва айрим жойлар озиқлантирилиб турилмоқда. Қатор ораларини чопиқ ва культивация қилиш сифатли ўтказилганлиги, тобида суғорилганлиги ва нормадаги миқдорда ўғит солинганлиги натижасида ғўзалар тез ривожланиб, ҳарбир туп ғўза 12—15 кўсак тугабошлади.

Бу колхозда 60 центнерчи бригадалар ва юзцентнерчи звеноларнинг иши айниқса ўрнак бўлярлидир. Гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган коммунист Жаҳон Бадалов, Алишбой Муқимов, комсомол аʻзоси Файзулла Дўстбеков ва Тошмурод Бобоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ғўза культивациясини, ҳамда суғоришни намунали ўтказадилар. Коммунист Бойқул Тайлақов, Эгамберди Жуманов, комсомол аʻзоси Собирхон Новчабоев, Ойша Ҳусанова, Ҳазрат Номозбоевлар бошлиқ юзцентнерчи звеноларнинг ишини яхшилашга йўл қўйдик. Ер участкалари ажратиб берилмади, ҳамма ёппасига ишлайберди. Бу, меҳнат интизомининг пасайишига сабаб бўлди.

Биз бу хатони тузатиб, бригадамизда звено принципини мустаҳкамладик. Ҳозир 7 звено ташкил қилинган. Буларнинг экин майдонлари ажратиб берилган. Ҳарбир звено бошлиғи ўз ерида экин парваришининг сифати учун жавобгардир. Усмонали Исмоилов бошлиқ бўлган 2-нчи звенога 16 гектар экин майдони ажратиб берилган. Унда 7 киши ишлайди. Трактор ишини ҳам, ўғитлаш, ҳашаротга қарши кураш ишларининг бажарилишини ҳам звено бошлиғи, тажрибали пахтакор Усмоналиаканинг ўзи текшириб, кузатиб боради. Суғориш ишн ҳам бу звенода яхши ташкил қилинган. Усмоналиаканинг ўзи моҳир сувчи.

Звено принципини мустаҳкамлаш ишда эгасизликни тугатди, ғўза парваришининг сифатини яхшилади.

Биз ғўза парваришида механизациядан унумли фойдаланмоқдамиз. Ҳамма майдондаги ғўзани 3 марта ўғитладик ва кетман чопиғидан чиқардик. 80 гектар ердаги ғўзамиз кўндалангига 5 марта культивация қилинди. Бу тадбир ишчи кучи камроқ бўлган бизнинг бригадада қўл меҳнатини камайтиришга ёрдам берди.

Бригадада ёппасига ғўза чеканкасига киришганмиз. Шу блан бирга ғўзаси ўсиб кетган жойларда тупларнинг пастки барглярини юлиб ташламоқдамиз. Бу тадбир ҳар туп ғўзанинг яхши ҳосил олишини ва кўсакларнинг текис етилишини таʻмин этади.

Йириклаштирилган бригадаларда звено принципини мустаҳкамлаш натижасида ҳосилнинг мўл бўлишига эришмоқдамиз. Бизнинг бригада аʻзолари Пискент районн шароитида ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқдалар. Ҳозир ҳар туп ғўзамизда 25—30 тадан шона, гул ва кўсак бор. Ҳосилга ҳосил қўшиш учун август ойининг охиригача экин парваришини сусайтирмасдан давом эттирамиз ва ҳар гектар еримиздан 38 центнердан ҳосил етиштиришни таʻминлаймиз.

Элбой ҲАЙИТБОЕВ.

Пискент район, Муротали қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхознинг 5-нчи бригада бошлиғи.

Звено принципини мустаҳкамлаб борамиз

Раиси мактанчоқ бўлган колхозда

Орджоникидзе район, Киров қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз аʻзолари социалистик мажбуриятни бажариш учун пахта ҳосилини икки центнерга оширишлари ёки 413 гектар майдонинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришлари керак. Колхознинг далаларида ғўзалар кўм-кўк бўлиб ётипти. Ғўзалар гуллаган. Колхоз раиси ўртоқ Жўра Пўлатов бу ғўзаларни кўриб ўз-ўзидан қувонади. У, «бу йил роса енг шимариб ишладик, ҳосил яхши бўлди, мана энди биздан керагича пахтани олаберсинлар» деб мағрурланади.

Тўғри, колхознинг ғўзалари ёйдор, тўртинчи чопиқдан чиқарилган. Қизил байроқли Ж. Каримов бошлиқ 3-нчи бригаданинг 55 гектар ердаги ғўзаларида шона кўп, кўсак ҳам. Аммо бу ғўзалардаги шона, гул, ҳатто данакдек бўлган кўсаклар ғўза ўз вақтида суғорилмаганидан ерга дув тўкилиб кетаётир ва етиштирилган дастлабки ҳосил нобуд бўлаётир.

Бригадада 24 июльдан буён ғўза чопилмайди. Бригада аʻзолари чопиқни тўхтатиб, 7 кун ғўзани чеканка қилдилар. Кейин колхоз правлениесининг буйруғи блан бошқа бригадага ўтиб, ўт босган картошкани чопиқ қилдилар. Шу орада «31 гектар ердаги ғўза бешинчи марта чопилди» деб сводка берилган. 1—2 август куни бир гектар ерда ҳам ғўза чопиқ қилинмагани ҳолда, табельчи Р. Мирзақулов «10 гектар ердаги ғўза чопиқ қилинди» дея қалбаки сводка берипти. Шунинг ўзидан кўриниб турипти, колхоз раҳбарлари ғўза парваришида соҳ орқасидан қувиб, сифатга эʻтибор бермаганлар. Колхозда 150 гектар ердаги ғўза ораларига кеч экилган қўшимча чигитдан қўкарган ёш ғўзалар бор. Улар ҳали гуллагани йўқ. ҳатто шоналамагач ғўзалар ҳам бор. Ҳарбир туп ғўзада ўрта ҳисоб блан 2—3 тадангина кўсак етиштирилган. Шунга қарамасдан бригада бошлиқлари раисга, раис эса район раҳбарларига, «ишимиз жойида, хотиржам бўлинг, дўндирамиз...» деб, мактанчоқликни янада авжга чиқармоқдалар. Раис бўйчан ғўзаларнинг кўкига мағрурланиб юрипти. Ваҳоланки, ғўзалар ўсишдан қолиб ҳосил олмаётир, ҳосил олган ғўзалар эса шона, кўсакларни ташлаб юбораётир. Колхоз раиси ўртоқ Жўра Пўлатовни бу ҳолатлар ташвишлантираётгани йўқ.

Ғўза парваришн, ҳосил тўғрисида гап борганда, колхоз раҳбарлари:

— Ғўзаларимизни илғари кўрмагансиз, ёмон эди, ҳозир яхшилаб олдик. Ғўза ўсишдан қолаётгани йўқ, — деб ўринсиз гердаяберадилар.

Сводкада ишчи кучларидан фойдаланиш, чопиқ, суғориш, культивация «100» деб кўрсатилади. Аммо амалда ҳеч гапнинг тайини йўқ. Июль ойи ҳосил тўплаш ойи, деб эʻлон қилинди. Ҳарбир килограмм ўғит, қатор ораларига урилган ҳарбир кетман, ҳарбир томчи сув — ҳосилга ҳосил қўшади деб жар солдилар. Аммо бу баландпарвоз гапларга амал қилинмади. Ғўза парвариши ҳаддан ташқари сусайтириб юборилди. Суғориш, чопиқ, маҳаллий ўғит солиш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмади. С. Олимов бошлиқ биринчи, Пўлатов бошлиқ тўртинчи бригадаларда, шунингдек Жонибекова ва Сулаймоновлар бошлиқ бригадаларда ғўза парвариши ўзбўларчиликка ташлаб қўйилди. Ғўзалар чанқатиб суғорилганидан эгатлар тўкилган шона, гул, кўсаклар блан тўлиб ётипти. Биз, А. Усмонов звеносида бир метр жойдаги эгатдан 9 та тўкилган кўсак теріб олдик. МТС агрономи Отаулиев эса Раҳмон Қўчқаров звеносида бир квадратметр ердаги ғўзадан 18 та тўкилган шона, кўсак териб олди.

Колхоз раиси ўртоқ Жўра Пўлатов яқин дўстининг Қўқон шаҳрида бўладиган тўйига қўш «Победа»да жўнаб кетганидан кейин колхозда иш жуда ҳам бўшашиб кетди. Бригадаларда ғўза парвариши тўхтатилди. Чопиқда ишлаётган колхозчилар сони камайди. Рандан намуна олган айрим бригада бошлиқлари ва колхозчилар ўртасида дам олиш кайфияти пошланди.

Ҳарбир туп ғўзани ўстириб ҳосилга киритиш, нечаги шонани бутун гулга, бутуни гулни тугунчага айлантириш учун оз мунча куч сарфланмадими? Колхозчилар кечани кеча демай, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб саратоннинг иссиғида тер тўкдилар. Меҳнатнинг самараси энди кўринабошлаган ҳозирги вақтнинг ҳарбир соатидан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўзанинг бўйи, кўкига мағрурланмай, ҳарбир пайкалдаги ғўзанинг аҳволига қараб парвариш қилиш керак. Айниқса ғўзани чанқатмай суғоришга катта эʻтибор қилиш керак. Ўртоқ Жўра Пўлатовга шундай масʻулиятли кунларда ишни ўзбўларчиликка ташлаб, тўй-тўйлаб юришни ким қўйипти. У қайси дўндириб қўйган ишига ишониб, тўйга жўнаб кетди экан?!

Колхознинг ҳамма бригадаларидаги ғўзаларда ўргумчакканд ва бошқа зарарли ҳашаротлар бор. Улар ҳосилни кемириб нобуд қилмоқда. Афсуски, колхоз правлениеси зарарли ҳашаротларга қарши курашни ҳам бўшаштириб юборган. Бу ишда фақат 23 киши ишлаб, 63 гектар ердаги ғўзага дори сепган. Ҳашаротлар эса кўпайиб, бошқа пайкалларга ҳам ёйилмоқда.

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик ҳақида колхоз раҳбарлари ҳали ўйлаб ҳам кўрганлари йўқ. Бу йил колхозда пахта машина блан терилади. Қанча гектарнинг пахтаси машина блан терилиши ҳалигача аниқланмаган. Машина блан пахта теріладиган участкалар ажратилмаган.

Мана, раиси мақтанчоқ бўлган Молотов номли колхозидаги аҳвол. Районнинг энг юқори ҳосилли, илғор колхозида ҳозирдан бошлаб бегамлик ва бепарволик бошлангандан кейин, райондаги «Ленинград», «Сталинград», Охунбобоев номли колхозлар ҳақида нима дейиш мумкин?!

Район партия комитети ва район иқтисодий комитети раҳбарларининг юқори ҳосилли колхозда юз берган жиддий аҳволга бефарқ қарашларига чек қўйиш керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

РАИС: — Ие, карнай чалиниб қолдию, ишлар бўлса дўндирилган, энди тўйга бориб гашт қилсак ҳам бўлади.

ҒЎЗА: — Агар сиз гашт, ялло, таралла-бедод қилиб юраберсангиз биз ғўзаларнинг ҳоли нима кечади?!

Н. Меламед расми.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Комбинат газетасининг беозор танқидлари

Танқид ва ўз-ўзини танқид жамиятимиз тараққиётининг қонуни, жамиятни ҳаракатга келтиручи улуғ кучдир. КПСС XIX сʻезди танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш юзасидан партия ташкилотлари олдига муҳим вазифалар қўйди.

Матбуот — партиямизнинг ўткир қуролидир. Газета танқид ва аёвсиз қўйидан бўладиган танқидни кучайтириш йўли блан кундалик ишлардаги камчиликларни очиб ташлайди. Бюрократлашган айрим ходимларни тартибга чақиради. Янги муваффақиятларни қўлга киритишга замин ҳозирлайди. Газета кенг меҳнаткашлар оммаси блан мустаҳкам алоқада бўлгандагина ўз олдига қўйилган бу шарафли бурчини бажаролади.

Хўш, Сталин номидаги тўқимачилик комбинатида чиқадиган кўп тиражли **«Сталинчилар овози»** газетаси бу шарафли вазифаларни қандай бажармоқда?

Газета саҳифаларида танқидий мақолалар йўқ деб бўлмайди. Газета тез-тез танқидий мақолалар босиб туради. Аммо материалларнинг кўпчилиги ишдаги камчилик ва нуқсонларни яхши таҳлил этмай, пала-партиш ёзиб чиқарилаверади. Ишдаги нуқсонлар етарли фактлар блан фош қилиб ташланмайди. Қилинадиган танқидлар таʻсирсиз, тишсиз, принципсиз ва беозордир. Мақолаларни ўқир экансиз, ҳатто нуқсонларнинг содир бўлишига ким сабабчи эканлигини ҳам очиқ аниқлайолмайсиз. Шу сабабдан бу материаллар на ўқучида таʻсир қолдиради ва на содир бўлаётган камчиликларни тугатиш юзасидан маҳаллий ташкилотларга ёрдам бераолади.

Газетанинг «Пардозловчиларга нима тўсқинлик қилади» сарлавҳали хабарини мисолга олайлик. Икки қолонкадан иборат бўлган бу танқидий хабарда конкрет айбдорлар кўрсатилмаган. Уни ўқир экансиз газета кимни танқид қилаётганини ҳам тушунолмайсиз. Газетанинг ёзишича:

«... **Фабрикада планнинг бажарилиш қийинчилиги туғилди, чунки контрольбраковочий ва жойлаштиручи цехлар кундалик график бўйича талаб қилган маҳсулотни топширмадилар. Нима учун бундай бўлди? Фақат шунинг учунки, я'ни комбинатда «тор жой» деб тўғри баҳоланган, молларни йиғиш бўлими, тайёр маҳсулотни қабул қилмагани учундир».**

Тайёр маҳсулотларни қабул қиладиган жавобгар кишилар борми, нима сабабдан улар бу муҳим ишни ўзбўларчиликка ташлаб қўйганлар? Газетадаги хабардан бу саволларга жавоб олаблмайсиз. Бундай принципсиз, ғоясиз, эгасиз танқидлар ишимиздаги камчиликларни тугатишга қандай ёрдам кўрсатиши мумкин?

Газетадаги баʻзи танқидий мақолаларда айрим ходимлар томонидан йўл қўйилиб келинаётган камчиликлар умумлаштирилиб бутун бир бўлим ходимлари устига қўйилади ва йўл қўйилаётган камчиликларни худди тарозуда ўлчагандек айбнинг «кўпи», «ози» деб чамаланади.

«Мажбуриятларнинг бажарилишига эришиш керак» сарлавҳали танқидий мақолани ўқир экансиз, учинчи ип йигирув ва читга гул босиш фабрикаларида кейинги вақтларда иш сурʻатлари пасайтириб юборилди, иш сурʻатларининг пасайтириб юборилишида эса, айбнинг кўпи таʻминот бўлимига тушади, дейилади. Ахир, айбнинг кўпи нимадан иборат ва ози нима ҳақда боради. Қандай тадбирлар кўрилганда бу нуқсонларни тугатиш мумкин. Бундай аралаштириб юборилган, конкрет шахслар кўрсатилмаган беозор танқидлардан нима фойда?

Газета «Деворий газетага раҳбарлик кучайтирилсин» сарлавҳали мақола босган. Бунда айрим фабрикаларда чиқарилаётган деворий газеталарнинг ишидаги камчиликлар танқид қилинади. Газетанинг таʻрифича, биринчи йигирув-тўқув фабрикасида чиқарилаётган «Советский текстильщик» деворий газетасида ўткир, принципиал танқидлар жуда кам босиб чиқарилади. Онда-сонда чиқарилаётган мақолалар ҳам мазмунсиз қуруқ гаплар блан тўлиб, жонсиз бўлиб чиқмоқда. Газета «Қисқаси бу деворий газетадаги мақолаларни ўқинг-у, тузсиз овқат ичинг барибир» деган хулосани чиқарган.

Бу гап эса **«Сталинчилар овози»** газетасининг ўзига ҳам тааллуқлидир.

«Сталинчилар овози» газетаси ходимлари ва унинг редактори ўртоқ Жаҳонгирова нима учун ишдаги камчиликларни принципиал танқид асосида очиб ташлайолмайдилар, дабдабали сарлавҳалар, киноялы сўзлар блан газета саҳифаларини тўлдириб чиқараверадилар, деган савол туғилади. Бу шунинг оқибатидирки, редакция ходимлари комбинат ҳаётидаги ишлар блан чуқур таниш эмаслар. Актив мухбирларга таяниб иш кўрмайдилар.

Газетада босилиб чиқаётган кўпчилик мақолалар комбинатда тўриб, ишлабчиқаришдаги иш процесслари блан танишмай чиқарилаётганидан далолат беради. Газета ходимлари бошлиқларни танқид қилишга ботинаолмаётирлар. Шунинг учун ҳам кўпчилик мақолаларда танқид ишчи, мастер ва ошиб кетганда цех бошлиқларидан нарига ўтмайди.

«Сталинчилар овози» газетаси босилаётган танқидий мақолаларнинг оқибати учун ҳам қурашмайди. Газетада «Корхонада интизомни кучайтирайлик» ва «Эʻтибордан четда қолаётган масала» сарлавҳали танқидий мақолалар босиб чиқарилган. Бунда айрим цехлардаги интизомсизлик ва айрим фабрика ошхоналарининг қониқарсиз ишлаётганлиги танқид қилинади. Бу хабарлар босилиб чиққандан буён уч ойдан ортиқ вақт ўтган бўлсада, газетхонлар ҳали ҳам бу танқидий хабарларнинг оқибати нима блан тамом бўлганлигини билмайдилар. Албатта, танқидий мақолаларнинг бундай оқибатсиз қолдирилиши газетанинг ташкилотчилик ролини пасайтиради.

Комбинат бошлангич партия ташкилоти ишдаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиш юзасидан танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришда ўз органи «Сталинчилар овози, газетасидан ўткир қурол сифатида фойдаланиши лозим. Партия ташкилоти газета ишидаги нуқсонларни тезда бартараф қилиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб, газетанинг ташкилотчи ва таргиботчилик ролини ошириши керак.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Меҳмонни ранжитган ким?"

Газетанинг шу йил 21 июль сонида «Редакция почтасидан» рубрикаси остида юқоридаги сарлавҳали материал босилиб, унда Ўртачирчиқ район Ангор сельпосига қарашли Чигриқ станциясидаги ошхонанинг клиентларга қониқарсиз хизмат қилаётганлиги, унда санитария-гигиена қоидалари бузилаётганлиги танқид қилинган эди.

Ўртачирчиқ район Ангор сельпосининг раиси ўртоқ Назаровнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола сельпо правлениесининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиниб, унда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Правлениенинг кенгайтирилган мажлиси ошхона ишларини яхшилаш учун амалий тадбирлар белгиласан ва клиентларга ҳурматсизлик қилган ошхона мудири Пинхасовга, старший повар Қурбанов ва официанка Крапиволарга маʻмурий жазо берилган.

Совет ҳукуматининг баёноти тўғрисида ғарбий мамлакатларнинг матбуотида баён этилган фикрлар

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Парижда чиқадиган ҳамма газеталар Совет ҳукуматининг Европада коллектив хавфсизлик масалалари юзасидан ўтказиладиган кенгашга тайёргарлик кўриш учун август ёки сентябрь ойида тўрт давлат кенгаши чақиришни таклиф этиб, Франция, Буюк Британия ва АҚШ ҳукуматларига берган баёноти ҳақидаги хабарларни кўринарли жойларда босиб чиқардилар Газеталар Совет ҳукуматининг баёнотини муфассал шарҳлаб бердилар.

Матбуот Совет ҳукуматининг бу баёнотининг аҳамиятини уқтириб ўтади ва у яқин вақт ичида халқаро вазиятни белгилашда анча катта роль ўйнаши лозим, деб ҳисоблайди.

«Либерасьон» газетаси: СССР «коллектив хавфсизликни та'минлаш юзасидан ва Германия проблемасини муҳокама қилиш учун умумевропа кенгашини тайёрлаш мақсадида августда ёки сентябрьда тўрт давлат кенгашини чақиришни Парижга, Лондонга ва Вашингтонга таклиф этмоқда» деб кўрсатади.

«Либерасьон» газетаси Франс Пресс агентлигининг, Совет ҳукуматининг янги таклифи уч давлат экспертлари томонидан Лондонда Совет Иттифоқининг бундан илгари топширган нотасига жавоб тайёрлаш блан айни бир вақтда кўриб чиқилади, деган хабарига тўхталиб, бундай деб ёзади: «Бу хабар бизни қондираолмайди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Франция учун экспертлар ҳал қилиши мумкин бўлган техник проблемалар ҳақида гап бораётгани йўқ. Гап мамлакатимизнинг келажагини белгилайдиган фундаменталь сиёсий қарор қабул қилиш ҳақида бораётир».

«Европа мудофаа бирлашмасининг кучга кириши йўли блан ва Германияни қуроллантириш йўли блан Европада совуқ муносабатлар урушининг жиддийлаштирилиши, — деб ёзади «Либерасьон» газетаси, — Франциянинг манфаатларига қарама-қарши бўлур эди, бунинг устига, Германия проблемасини ва Европа мамлакатларининг коллектив хавфсизлиги проблемасини музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этиш учун тўла имконият мавжуддир.

Совет ҳукумати Франция, Буюк Британия ва АҚШ ҳукуматларига шу хил музокараларга тайёргарлик кўриш учун августда ёки сентябрьда тўрт давлат кенгашини чақиришни — яна дўстларча таклиф қилди. Шундай бўлгандан кейин, ҳақиқатан ҳам тинчликка интилучи ҳукумат халқларнинг манфаатларига жавоб берадиган бу ҳил таклифни қандай қилиб рад этаолади?».

«Орор» газетаси бундай деб ёзади: «Уч ғарбий мамлакатнинг пойтахтларидаги дипломатик доираларда иккинчи нота ҳақида жуда кам гапирилмоқда, бу нота муносабати блан, унда кенгаш ўтказилиши лозим бўлган шаҳарнинг номи аниқланмаган, деб та'кидланди, халос».

«Фигаро» газетаси Совет ҳукуматининг кейинги нотаси уч давлат «экспертлари» томонидан Лондонда СССРнинг бундан илгари топширган нотасига жавоб тайёрлаш блан айни бир вақтда ўрганилади, деб та'кидлайди.

ЛОНДОН, 6 август. (ТАСС). Англиянинг кўп газеталари Совет ҳукуматининг янги нотаси ҳақида кўринарли жойларда хабарлар босиб чиқардилар. Барча хабарларда нота кутилмаган бир ҳол бўлди ва бундан илгариги нотага жавоб олинмасдан туриб, бу жавоб уч давлат вакиллари томонидан Англия ташқи ишлар министрлигида энди муҳокама қилиниши олдидан ғарбий давлатлар вакилларига топширилди, деб та'кидланади. Газеталарнинг дипломатик ва сиёсий обзорчилари нота ҳақидаги қисқача ахборотларида масаланинг моҳиятини шарҳлаб беришдан тийилмоқдалар.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, бironта ҳам газета нотанинг тўла текстини ёки унинг муфассал мазмунини бермади.

«Йоркшир пост» деган вилоят газетаси Совет ҳукуматининг баёнотини шарҳлаб. «Ғарбий давлатлар бу масалага нисбатан ишонмовчилик блан қарасалар ҳам, уларга Москванинг таклифларини эътиборсиз қолдириш борган сари қийин бўлади», деб ёзади.

«Ҳозир, — деб давом этдиради газета, — Молотов кенгаш ўтказиш ҳақида конкрет таклиф киритган бир вақтда, ҳатто бу кенгаш дастлаб тўрт буюк давлатнинг иштироки блангина чекланган бўлса ҳам, Ғарбнинг вазифаси унчалик енгил бўлмайди». Англиянинг кўпгина вилоят газеталари совет нотасини норозилик блан қарши олдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг Вашингтондаги мухбири Совет ҳукуматининг янги нотаси давлат секретари Даллесга топширилганлиги тўғрисида хабар бериб, бундай деб та'кидлайди: «Вашингтонда Европа хавфсизлиги тўғрисидаги масала юзасидан кенгаш чақиришга муносабат бундан икки ҳафтадан камроқ вақт илгари Москва ўз таклифини киритган вақтда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Ўша вақтдаги каби ҳозир ҳам бу позиция: «Манфаатдор эмасмиз» деган сўзлар блан ифодаланмоқда...

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги мухбири Скали, Совет Иттифоқининг янги нотаси «кутилмаган қадам» бўлди, деб кўрсатади. Америкининг юқори мансабдаги вакиллари, деб қўшимча қилади Скали, дарҳол ва шошилинч суратда совет таклифига — маневр деган ёрлиқни ёпиштириб қўйдилар.

РИМ, 6 август. (ТАСС). Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги масала юзасидан умумевропа кенгашига тайёргарлик кўриш мақсадида тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг кенгашини чақириш ҳақида Совет ҳукуматининг баёноти Италия афкор оммасида зўр қизиқиш туғдирди.

«Унита» газетаси Совет ҳукуматининг баёноти Жанвада шонли муваффақият қозонган методни, я'ни кенгаш столи теварагида ўтириб, бевосита музокаралар олиб бориш методини ғарбий давлатлар яна қўлланмоқчи бўлган ва тўхтовсиз равишда бир-бирларига нота-лар юбориб туришдан иборат бўлган судраш методига қарама-қарши қилиб қўйди, деб ёзади.

Цейлон блан ХХР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида музокаралар

ЛОНДОН, 6 август. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Коломбодан билдиришича, Цейлон бош министри Котелавала 5 августда вакиллар палатасида Цейлон блан Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Пекин блан алоқа боғлаганлигини айтган.

Португалиянинг Ҳиндистондаги ерларида миллий-озодлик ҳаракати

ДЕҲЛИ, 6 август. (ТАСС) Пресс Траст оф Индия агентлигининг хабар беришича, Португалияга қарашли Нагар—Авелида 50 га яқин қишлоқлар четэл ҳукмронлигидан озод бўлганлар. Бу қишлоқларнинг кўпчилигида ҳокимият маҳаллий ижроия органлари қўлига ўтган

Марокашда аҳвол

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Марокашдаги аҳвол аввалгича жуда кескин бўлиб қолмоқда.

«Либерасьон» газетасининг ёзишича Фесда намойишчиларга қарши кўздан ёш оқизадиган газли гранаталар ва ўқ отадиган қуроллар ишлатилган. Шаҳар кўчаларида қуролланган полиция отрядлари тўхтовсиз соқчилик қилиб юрмоқда; шаҳарнинг араблар яшайдиган қисмида газета ва бошқа босма нашрлар тарқатиш тақиқланган. Шунга қарамай, кечки матбуотнинг берган ма'лумотларига кўра, кеча фесда янги намойишлар ва полиция блан тўқнишлар бўлган.

Касабланкада шаҳарнинг араблар яшайдиган маҳаллаларига борадиган йўллар ва барча асосий йўллар йирик полиция отрядлари томонидан қўриқланмоқда. Касабланкадаги ҳарбий гарнизон жангга тайёр қилиб қўйилган. Докерларнинг забастовкаси натижасида Касабланка портининг иши тўхтаб қолган.

Париж матбуотининг хабар беришича, Марокашда ўтган йил 20 августда француз мустамлакачи ма'мурлар томонидан тахтдан туширилган собиқ султон Сиди Муҳаммад Бен Юсифни тахтга қайтариш учун ҳаракат давом этмоқда.

ГВАТЕМАЛАДАГИ ВОҚИАЛАРГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетаси Гватемаладан олинган хабарда, кузатучиларнинг фикрича, Армас душманларининг кейинги қуролли ҳаракатларига таянч бўлган кучлар «яна жиддий ҳаракат бошлашлари мумкин» деб ёзади.

«Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси мухбирининг Гватемаладан хабар беришича, у ерда Арбенс ҳукуматини ағдарган кучлар блан мунтазам армия ўртасида янги тўқнишилар бўлишини кутмоқдалар. «Бундай хавфсиришлар, — деб ёзади мухбир, — обрўйли доираларда кенг ёйилган ва афтидан бу хавфсиришлар етарли даражада асосли бўлса керак».

Ассошиэйтед Пресс агентлиги Майамидан олиб хабар беришича, Америкининг Гватемаладаги элчиси Пэрифуа «Майами геральд» газетаси учун берган суҳбатида Гватемала ҳарбий академияси кадетларининг ҳаракатлари (Армас режимига қарши чиқишлари. — Редакция) муносабати блан яқинда бўлиб ўтган тўқнишилар ўйланилганига қараганда анча жиддийроқ характерга эга эди, деган.

Агентлик, Пэрифуа маслаҳатлашиш учун Вашингтонга жўнаб кетди, деб қўшимча қилади.

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). 'Франс Пресс агентлигининг билдиришича, ҳозирги вақтда Гватемалада ҳокимият тепасида турган хунта «ис'ён чиқаришга ундаш»да айбланган 12 офицерни суд қилиш учун ҳарбий трибунал та'сис этган. Айбдорлар орасида собиқ президент Арбенс ҳукуматининг бирнеча а'зоси ҳам бор.

ФРАНЦИЯ МИЛЛАТ МАЖЛИСИДА

ПАРИЖ, 6 август. (ТАСС). Бугун Франция Миллат мажлиси парламент группалари раисларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Министрлар советининг раиси Мендес-Франс қатнашди. У ҳозирги вақтда Миллат мажлисида муҳокама қилинаётган молиявий-иқтисодий проект муносабати блан ишонч билдириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш ниятида эканлигини айтди.

Парламент группалари раисларининг кенгаши «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги масала юзасидан ҳамда умуман Европа проблемалари юзасидан мунозараларни 24 августга тайинлашга қарор қилди.

Франс Пресс агентлигининг билдиришича, Жюль Мокнинг ташқи ишлар комиссияси томонидан ма'қулланган доклади мунозараларга асос қилиб қўйилиши лозим. Ма'лумки бу докладда «Европа армияси» тузиш тўғрисидаги шартномага салбий қараш ифода этилган.

Парламент группалари раислари кенгашининг қарорлари Миллат мажлиси томонидан тасдиқланиши керак.

ЧИЛИ МА'МУРЛАРИНИНГ БЕБОШЛИГИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 6 август (ТАСС). Сант-Ягодан (Чили) хабар берилишича, шоир Пабло Нерудага халқаро Сталин тинчлик мукофотини топшириш учун ёзучи Эренбург кеча Чилига келган. Сант-Ягодаги аэродромда уни Неруда, парламент депутатлари ва пойтахт жамоатчилигининг куп вақиллари кутиб олганлар.

Аэродромда полиция ёзучини ва унинг хотинини аэропортдаги алоҳида бинога олиб кетиб ва унинг багажини очиб, уни ҳақорат қилишга уринган. Полиция ёзучини кутиб олган ва полициянинг ҳаттиҳаракатидан даргазаб бўлган кишиларга қарши қаттиқ чоралар қўрган.

Полиция мукофот топширишга доир хужжатларни Эренбургнинг чемоданидан чиқариб олган ва уларни очишга уринган. Эренбург қат'ий норозилик билдирган.

БУЭНОС-АЙРЕС, 6 август. (ТАСС). Телефон орқали Чилидан олинган хабарга кўра, ички ишлар министри Абдон Парра Эренбургдан хужжатлар гуё текшириш учун олинганлигини ва улар «текширишдан» кейингина Эренбургга қайтариб берилажагини айтган.

Ҳиндистон темирйўлчилари касаба союз делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига келган Ҳиндистон темирйўлчилари касаба союзи делегацияси Ўзбекистонда бирнеча кун меҳмон бўлди. Делегация составида Ҳиндистон тўмирйўлчилари Миллий федерацияси раисининг ўринбосари Р. Чандра, Жанубий Ҳиндистон темир йўли ходимлари касаба союзининг бош секретари А. Намбиар ва шу касаба союз ижроия комитетининг а'зоси К. Раджулар бор эди.

Ҳиндистондан келган меҳмонлар Ўзбекистон темирйўлчиларининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти блан қизиқдилар. Улар Тошкент тепловоз депосида магистральдаги янги техника блан танишдилар, машинистлар блан суҳбатлашдилар. Машинистлар меҳмонларга бу техникадан фойдаланишда эришган ўз муваффақиятлари ҳақида гапириб бердилар. Делегация а'золари Тошкентдаги темир йўл транспорти институтида, транспорт инженерлари институтида, транспорт ходимларига хизмат кўрсатучи медицина муассасаларида бўлдилар.

Ҳиндистон касаба союзи ходимлари Ўзбекистон пойтахтида бўлганларида Сталин номидаги тўқимачилик комбинатини, Навоий номидаги Ўзбек Давлат халқ қутубхонасини бориб кўрдилар, шаҳарнинг хушманзара жойларини тамоша қилдилар. Делегация Янгийўл районидаги Сталин номли колхозга ва Суғориладиган ерларда деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтига борди, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратида бўлиб, у ерда муфтий Эшон Бобохон Ибн Абдул Мажидхон блан суҳбатлашди.

Олтинчи августда Тошкент темир йўли Бошқармасининг клубида Тошкент темир йўл узели касаба союз активининг Ҳиндистон темирйўлчилари касаба союз делегацияси блан учрашувига бағишланган йиғилиши бўлди. Йиғилишда тепловоз депосининг машинисти Б. Эрматов, диспетчер Н. Юнусов, йўл бошқармасининг инженери М. Мажидова, темир йўл касалхонасининг врачи С. Сандганиев ва Тошкентдаги темир йўл транспорти инженерлари институтининг ўқитучиси, техника фанлари кандидати К. Кулманов-лар нутқ сўзладилар.

Йиғилиш қатнашчилари делегация а'золарининг сўзга чиқишларини самимий кутиб олдилар. Делегация а'золари Ҳиндистон темирйўлчиларининг меҳнати ҳақида гапирдилар. Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланади ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб қаттиқ ишонч билдирдилар.

Ҳиндистон темирйўлчиларининг вакиллари Тошкентдан жўнаб кетишлари олдидан ЎзТАГ мухбирига Ўзбекистонда бўлган вақтларида олган таассуротларини айтиб бердилар.

— Ўзбекистонга сафар қилиш бизда ғоят катта таассурот қолдирди, — деди Жанубий Ҳиндистон темир йўли ходимлари касаба союзининг бош секретари А. Намбиар. — Биз революциядан илгари қолоқ мамлакат бўлган бу республиканинг ўз экономикасини ривожлантириш йўлида олға томон катта қадам қўйганлигини кўрдик. Тошкент темирйўлчиларининг ютуқлари бизни айниқса қойил қилди.

— Янгийўлга бораётганимизда, — деди К. Раджу, — биз йўлда биринчи учраган деҳқоннинг уйига кирдик. Биз бу уйда яхши жиҳозланган хоналарни кўриб, оддий бир деҳқоннинг электр дазмол ва электр плитка ишлатаётганини, унинг радиоприёмниги, девор соати борлигини кўриб ниҳоятда ҳайратда қолдик. Бизнинг илтимосимизга мувофиқ уй эгалари омборларини очиб кўрсатганида биз уерда кўп галла ва бошқа маҳсулотлар борлигини кўрдик.

Ҳиндистон темирйўлчилари Миллий федерацияси раисининг ўринбосари Р. Чандра ўз таассуротлари блан ўртоқлашиб, бундай деди:

— Совет кишилари менга ва делегациямизнинг бошқа а'золарига ўз мамлакатларининг турмуши блан тўлиқ танишишда ёрдам этганликлари учун мен улардан жуда миннатдорман. Биз Ўзбекистонда мукаммаллашган корхоналарни ва иши яхши йўлга қўйилган қишлоқ хўжалигини кўрдик. Биз ирригация ва механизация ёрдами блан пахтадан, узумдан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштираётган, чўлу-биёбонларни гуллаб турган далаларга айлантираётган Ўзбекистон деҳқонларининг ишларини завқ блан кузатдик. Биз совет кишиларининг тинчликка астойдил интилганликларини ва ижодий меҳнат ғайрати блан тўлибтошганликларини қувонч блан та'кидлаймиз.

Делегация а'золари Ҳиндистон касаба союзлари вакилларига нисбатан кўрсатилган самимий меҳмон-дўстлик ва эҳтиром учун ўзбек халқига қизғин ташаккур изҳор қилдилар.

Ҳиндистон темирйўлчилари касаба союз делегацияси еттинчи августда самолётда Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Тошкентда



ҚАРИЯЛАР УЙИ

Ҳозиргина келиб тўхтаган троллейбусдан бир группа оппоқ соқолли нуроний чоллар тушишди. Улар яқиндаги. на қуриб битказилган гўзал ва кўркам чойхона биносига қараб йўл олдилар.

— Ҳе, Сидиқвой, менга қаранг, зап чойхона бўлибтими — деди Толипота хурсанд бўлиб.

— Э, тақсир, нимасини айтасиз, бу чойхонагина эмас, дам олиш уйи денг, дам олиш уйи — деди Сидиқота.

— Баракатопқур, Давлатимиз кўп инсоннарвар давлатда. Мана, биздек қарияларни ҳурмат қилиб, қанчадан-қанча пуллар сарф қилиб, чиройли, баҳаво жойлар қуриб бермоқда, — қўшиб қўйди Пўлатота. Қарияларнинг қувончи, партия ва ҳукуматимизга бўлган миннатдорчилиги чексиз эди. Тошкент шаҳар, Октябрь район территориясидаги Собир Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғидаги қизил чойхона биноси боғнинг жуда баҳаво ерига, катта сувнинг бўйига қурилган, доим ёқимли шабада эсиб туради. Бино архитектура жиҳатидан жуда чиройли қилиб ишланган. Бунга давлат томонидан I миллион сўмга яқин маблаг сарф қилинди. Қизил чойхона етарли равишда ҳамма нарсалар блан та'минланган, электролаштирилган. партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари блан безатилган. Чойхона 250 метр гилам-дорожка, 4 та катта гилам, 30 та кўрпача, 50 та хонтахта, 120 та дастурхон, стол, стул ва «Урал — 49» маркали радиоприёмник блан та'минланган. Буларнинг ҳаммасига 120 минг сўм пул сарфланди. Қизил чойхонанинг ички қисмига 490 киши сиғади. Унинг сахнига қўйилган кроватьларни ва столстулларни ҳам ҳисобга олганда чойхона 800 кишига хизмат қилиши мумкин. Бу ерда ҳар куни қариялар учун хушта'м мастава, плов, ковоб, гўштли сомса, иссиқ нонлар тайёрланади. Чойхўрларга йигирма киши намунали хизмат кўрсатади. Чойхона йилнинг ҳамма фаслларида тинмай ишлаб туради. Бу қизил чойхона Ўзбекистонда энг йирик чойхонадир. Бу ерда шаҳаримизнинг кексалари роҳатланиб, маданий дам оладилар.

Шу йил 8 августда Собир Раҳимов номидаги маданият ва истироҳат боғидаги қизил чойхонанинг очилиши муносабати блан Октябрь район меҳнаткашлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга район меҳнаткашларидан 1,5 мингдан ортиқ киши қатнашди. Йиғилишда сўзга чиққан кексалардан республикада хизмат кўрсатган ўқитучи пенсионер Шоюнусов, коммунист Н. Холмухамедов ва отоқли шоир, Сталин мукофоти лауреати Ғафур Ғулом ўртоқлар қариялар тўғрисида қилинаётган гамхўрлик учун жонажон партияга ва Совет давлатига миннатдорлик изҳор қилдилар. Областимизнинг Мирзачўл, Октябрь районларидан шу куни бу ерга 20 тонна қовун ва торвуз келтирилди, қариялар учун зиёфат берилди.

Йиғилишда бу қизил чойхонага «Қариялар уйи» номи берилди. Йиғилиш охирида республика Маданият уйининг хаваскор артистлари ва Ўзбекистон давлат эстрадасининг коллективи концерт қўйиб бердилар.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Суратда: Генерал Собир Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғида янги қурилган «Қариялар уйи».

В. Салов фотоси.

Ҳунар ўргандилар

Республика Маданият уйи ҳузурида очилган бичиш-тикиш ҳунарини ўрганиш саккиз ойлик курсини яқинда 75 хотин-қиз битириб чиқди. Яқинда курсни муваффақият блан тамомлаб чиққанлар блан хайрлашув кечаси бўлди.

Бунда Маданият уйининг директори ўртоқ Онахон Шарипова курсни а'ло баҳолар блан битирган Салима Халилова, Башорат Ғафурова, Раҳбар Ҳакимова, Холида Расулова ва Санобар Ҳўжаева каби хотин-қизларга уларнинг ҳунар ўрганишда ғайрат кўрсатганликлари ва жамоат ишларида актив иштирок этганликлари учун ташаккур билдирди. Битирганлар ишлаш учун область районларига боражакларини билдирдилар.

Кеча охирида Маданият уйининг бадиий ҳаваскор сан'атчилари ижросида концерт берилди. Курсни битириб чиқанлар Тошкент областидаги саноат корхоналари ва ташкилотлар ҳузурида очилган қўл ҳунари тўгаракларига мастер қилиб юборилдилар.

Сан'ат музейида

Ўзбекистон Давлат сан'ат музейига республикамизнинг турли шаҳар ҳамда қишлоқларидан жуда кўп ўқучи пионерлар келиб, тарихий ёдгорликлар блан танишаётирлар. Музей хизматчилари экскурсантларга чор ҳукумати даврида яшаган камбағал деҳқонлар ҳаётини акс этдиручи расмлар тўғрисида консултация берадилар.

Музейни июль ойи мобайнида Андижон областининг 1-нчи ўрта мактаб ўқучилари, Қозоғистон ССР Педагогика институтининг III курс студентлари ва областимизнинг турли мактабларидан 9426 киши келиб тамоша қилди. Улар учун музей хизматчилари 46 марта консультация ўтказдилар.

Шу кунларда музейга келучилар сони кўпаймоқда. Фақат 1 август кунининг ўзида мизейни 786 киши келиб кўрди. Ҳозир музей хизматчилари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига виставка ташкил этмоқдалар. Шунингдек музей ташкил этилгандан буён қандай ишларни амалга оширганини кўрсатучи махсус тахта ўрнатилади.

Юбилей шарафига

Куйбишев районидаги болалар кутубхонасининг (мудири ўртоқ А. С. Белих) актив китобхонлари кутубхона хизматчилари блан бирга Ўзбекистон республикасининг 30 йиллиги шарафига муносиб совға тайёрлашга киришдилар.

Тешабой Раззоқов, Марат Содиқов, Эмма Богдасарова, Тоҳир Тоиров каби ёш китобхонлар «Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши», «Ўзбекистон ССР маданият ва сан'атининг ўсиши», «Ўзбекистон хотин-қизлари» ҳамда «Ўзбекистон республикаси — пахтачилик ўлкаси» деган темаларда фотоальбомлар тайёрлаётирлар.

Илғорлар номи Ҳурмат тахтасида

Тошкент темирйўл бўлимининг коллективи темирйўлчилар куни шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборганлиги натижасида ишлабчиқариш илғорларининг сони кўпайди.

Вагонларнинг бекор туришини камайтириш, юк ортиш ва тушириш ишларини тезлаштиришда ажойиб ютуқларга эришган старший машинист А. С. Мостовой, Ортиқ Назаров, Қизилқия станцияси бошлиғининг ёрдамчиси В. И. Кладовщикова, Кауфманская станциясининг поезд тузучиси Жўрабой Душанов ўртоқлар темир йўл бўлимининг Ҳурмат тахтасидан муносиб ўрин олдилар.

Меҳнаткашлар учун лекциялар

Шаҳар партия комитетининг лекторлари, сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамият а'золари аҳоли ўртасида лекция пропагандасини тобора кенгайтирмоқдалар.

Улар ўтган йилнинг июль ойидан шу кунгача «СССР халқларининг бузилмас дўстлиги», «Совет ватанпарварлиги ҳақида», «КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорлари» ҳамда «Халқаро аҳвол» каби темаларда 14 959 та лекция ўқидилар. 728 темадаги лекция ўзбек тилида ўқилди. Шу йилнинг фақат беш ойи ичида 1310 лекция ўқилди.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Бир чойнак чой неча пул?

Мирзачўлда «намунали қизил чойхона», «намунали ошхона»лар бор. Бу «намунали» жойларнинг серҳашам ва кўркам биноларини кўрган киши ҳақиқатдан ҳам улар «намунали» бўлса керак деб ўйлаши мумкин. Лекин район матлубот союзи қарамоғидаги қизил чойхонага кирган киши «намунали» сўзининг бу чойхона учун нолойиқ эканлигини кўради. Чойхонадан бирор китоб ёки газета топаолмайсиз. Плакат, шиорлар ҳам йўқ. Чойнинг нархига келганда нима дейиш мумкин. 1947 йилда биринчи марта кенг иste'мол ва озиқ-овқат молларининг чакана нархи туширилган вақтда «Озорбайжон букети» деган олий сорт памилчойнинг бир килограмми 200 сўм эди. Ўша вақтларда бир чойнак чойнинг нархи 50 тийин эди. Шундан бери чойнинг нархи бирнеча марта камайтирилди. 1947 йилдаги килограмми 200 сўм турган «Озарбайжон букети»нинг нархи 1954 йилда 102 сўмга тушди. Аммо Мирзачўлнинг «намунали» чойхонасида ҳали ҳам бир чойнак чойнинг нархи 50 тийиндан пастга тушмаган.

Биз шу чойхонада чой ичиб ўрнимиздан турaётганимизда чойхоначидан:

— Чой неча пул?, — деб сўрадик.

— 50 тийин — деди барваста, хушмўйлов чойхоначи Содиқ Собиров.

— Чойнинг калорияси бошқа ердагиларга қараганда устун бўлса керак-да, булар 50 тийиндан олишяпти, — деди шеригим.

— Сизлар 25 тийинлик йиғитлардан эмассиз-да — деди илжайиб иккинчи чойхоначи Муҳиддинака ва 2 чойнак чойга 1 сўм олиб қолди.

Муҳиддинака бизларни 25 тийинлик йиғитлардан эмаслигимизга ишонтирганидан кейин этакни қоқиб кетмаслик мумкин эмас эди.

Прейс-курантда кўрсатилган 25 тийинлик чойни 50 тийиндан сотиш ҳоллари ўртоқ Суннатилла Тожиев раис бўлган «Труд» артелининг 2 чойхонасида ҳам учрайди. Артельнинг Абдулла Алимов, Мўмин Назаров, Холмат Ашуров, Рауф Табуровлар ишлаб турган қизил чойхоналарда аҳвол талабга жавоб бермайди. Бу чойхоналарда санитария-гигиена қоидаларига сра риоя қилинмайди. Кечалари қартабозлик, беданабозлик барала давом этади. «Труд» артели раисининг ўринбосари ўртоқ Б. Ховансов биз блан суҳбатда:

— Тўғри, бу нарсалар бор. Бир чойнак чойни бир сўмдан сотиш фактлари ҳам йўқ эмас. Аммо мен цехдан ўралашиб чиқаолмайман. «Бир чойнак чойнинг нархи 25 тийин» деб ёзиб қўйганмизку, яна нима керак — дейди.

Ҳар йили нархлар пасайган вақтда чойнинг ҳам нархи тушди деб ёзиб қўйиладиган ёзувлар орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай «ўз-ўзидан» йўқолиб кетишини, чойни яна 50 тийиндан сотилаберилишини артель раҳбарлари ҳам, умумий овқатланиш муассасаларининг раҳбарлари ҳам жуда яхши биладилар. Лекин улар бундай «майда-чуйда» ишлар блан шуғулланишни ўзларига эп билмайдилар. Фактларни кўрсалар ҳам кўзларини юмиб кетаберадилар.

Ажабланмаса ҳам бўлади, уларнинг кўзлари очиқ бўлганда ҳам, қулоқлари эшитганда ҳам бу камчиликни билмасликлари мумкин. Чунки улар чойхоналарда кам бўладилар, бўлганлари тақдирда 25 тийин ҳам тўламасалар керак.

Б. ХАЛИЛОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биноси) — 8/VIII да **Муқимий**, 10/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра**, 10/VIII да қишки бинода кечқурун — **Катта концерт.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз соат 2 дан 4 гача), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да), «ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан кеч 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — **Пиквик клубининг хотиралари.**

«РОДИНА» — кундуз соат 2 гача **Душманликнинг тугаши.**

НАВОИЙ номли — кундуз соат 3 дан **Сепли тўй.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Менинг кичик дўстим.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Марининнинг қисмати.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан кундуз 2 гача **Максимка**, кеч соат 10 да **Васса Железнова.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли, «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Пиквик клубининг хотиралари.**

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Тўрт юрак.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Қиз кўришишга ошиқмоқда**, кечқурун **Қий-чув.**

«ВАТАН» — **Душманликнинг тугаши.**

ПУШКИН номли — **Бўйиндаги Анна.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Севги достони.**

«УДАРНИК» — **Рақс ўқитучиси.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 07524. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1410.